

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Урта Махсус Таълим Вазирлиги**

Фаргона Давлат Университети

В310300-СОЦИОЛОГИЯ йуналиши учун

**Шарк мутафаккирлари социал
таълимоти**

Фанидан маърузалар матни

ФАРҒОНА –2001.

Тузувчи: уқитувчи. А.А.Абдумаликов.
Такризчи: профессор. Т.Хамидова.

Аудитория соатлари:

Назарий машгулот	-	36 соат
Амалий машгулот	-	30 соат
Мустақил таълим	-	18 соат

**Маърузалар матни социология
кафедрасининг 2001 йил 25 октябрдаги
йигилишида муҳокама қилинди ва
маъқулланди.**

Кафедра мудири:

Т.Абдуллаев.

1-2. Мавзу: Шарк цивилизацияси, у тенг узига хослиги ва социал турмиш тарзи.

Режа

1. Шарк цивилизацияси.
2. Шаркда социал муносабатлар.
3. Шаркнинг социал структураси.

Жахон маданиятининг ривожига жами халклар бахоли кудрат уз улушларини кушганлар. Аммо бунда Шарк мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиё халкларнинг хиссаси алохилдадур Шарк халklarининг тарихи ва маданияти, илк сиёсий, хукукий, диний, бадий, фалсафий ва социал караш ва тасаввурлари ва хакидаги, уларнинг мазмун ва мохияти хакидаги кимматли материалва маълумотлар антик замон муаллифларининг асарларида, архиялогик манбаларда, халк огзаки ижодиётида кенг куламда акс этган.

Кадимги Шарк халklarининг маданиятлари сингари Бобил халки маданияти, фалсафаси, социологияси, ахлоки, урф-одатлари дунёкараши хам асосан диний гоёлар билан сугорилган.

Хиндистоннинг эрамиздан олдинги биринчи минг йиллардаги дастлабки социологик карашларнинг урганишда кадимги хиндланинг “Веда” деб аталган диний тупламлари ва иккита катта тупламлари яъни дostonлари “Рамаяна” ва “Махабхорат”, Абу Райхон Берунийнинг “Хиндистон” асари мухим ахамятга эгадир.

Хитойда дастлабки социал карашлар хинд социологияси билан бир даврда вужудга келган.

Милоддан аввалги V-III асрларда вужудга келган конфуцийчилик кадимги Хитойда кенг таркалган социологик таълимотлардан булиб хисобланган.

Кадимги Шарк социологиясининг дастлабки куртаклари жахон социологиясини илк ютуklarига асосланган, улардан озикланган ижодий фойдаланган холда шакилланиб, ривожланиб бориши билан бир каторда. Уз навбатида инсоният социал булимларнинг келгуси таракиётига замин булиб хизмат килди хамда узининг ижобий таъсирини курсатди.

Авлоду аждодларимизнинг қадим ижтимоий - социал ҳаёти урф одатлари, анъаналари, маданияти, тили, тарихи, бадиий - фалсафий жихатдан узига хос таризда акс эттирадиган оғзаки ижодиётнинг нихояти бой ва хилма -хилдир .

“Тумарис”, “Широк”, “Заригарвон Одатида”, “Зарина ва Стриангия”, “Уч ога-ини ботирлар”, “Кахромон”, “Малика Хусниобод” каби киссалар ва “Алпомиш”, “Кирккиз”, “Туругли” , “Равшан”, “Авазхон”, “Чамбил камали”, “Ойслув” сингари дастонларда ҳам миллий , ҳам умумбатарий аҳамиятга эга булган социологик гоълар илгари сурилган .

IX-XV асрларда Марказий Осиё халкларнинг маданий -маънавий таракқиетида , фалсафий таълимотлари ривожланишида кескин узгариш даври булди .

Бу маданий жонланиш ва юксалиш жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди , маънавий ҳаётни камраб олди .

Урта Осиё халклари узларининг бир неча йиллик тарихи давомида узига хос маданият, цивилизация ва фалсафа яратдилар. Шарк жаҳон маданияти ва цивилизациянинг бешигидир, жаҳон тарихи шу ердан бошланади. Урта Ер денгизи атрофлари инсониятнинг илк ватани булган. Қадимги шаркликлар Куёш, Сув ва тупрокда ҳаётнинг ибтидосини курганлар, уларга астойдил сизинганлар. Шаркда вужудга келган барча диний системалар (хиндуизм,буддизм,конфуцизм, зардуштийлик, ислом) инсон билан табиат уртасидаги муносаббатликни таъминлашга, жамият ва табиатнинг уйғунлашувига алоҳида эътибор берганлар. Шаркда илмий билимларнинг таракқий этишига у ёки бу диний таълимотларининг хайрихоҳлик билдирмаганлиги заминида ҳам, эҳтимол, инсон билан табиат уртасидаги гармонияни сақлаш зарурияти ётгандир.

Диний системалар шаркликларда фақат экологик маданиятнинггина эмас,балки узига хос меҳнат маданияти ва истеъмол маданиятини ҳам шакллантирган. Улар ортикча хашам ва исрофгарчиликни эмас, балки ҳаёт учун зарурий нарсалар билан кифояланиши афзал курганлар. Шаркликларни турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафасосан диний системалар доирасида шаклланган ва ривож топган.Дин охир -окибатда ҳар бир халкнинг тарихий тақдирига, унинг маданияти турмуш тарзи, миллий психологияси вафалсафасига ҳал қилувчи таъсир курсатган. Динсиз халк уз миллий узига хослиги, миллий руҳи, яратувчанлик кудратидан маҳрумдир.

Ислом дини Урта Осиё халклари тарихида, унинг маданияти ва цивилизацияси шаклланишида катта рол уйнаган. У бошқа динлар фаркли равишда фақат таълимот ва мафқуранигина эмас, балки сиёсат ва хзаёт тарзи хам эди. Ислом динига хос анашу универсаллик мусулмонлар маънавиятининг хамма сохаларини камраб олган. Куръон шарият ва хадисларга хар бир мусулмоннинг ижтимоий, сиёсий, ахлокий, хукукий, маиший ва хаказо фаолияти катъий белгиланган ва тартибга солинган. Бу эса кишилар уртасидаги муносабатларни такомиллаштиришга, бойлик ва кашшоклик, донишмандлик ва нодонлик ва окиллик ва жохиллик уртасидаги зиддиятларни мумкин кадар бартараф этишга имкон беради. Маданий тараккиёти жихатидан Марказий Осиё минтакаси халклари араб халкларидан бирмунча юкори булган. Бу ердаги куплаб халклар утрук холда яшаганлар: уларнинг турмуш шароитлари, хужалик юритиш усуллари, ердан фойдаланиш маданияти, хунармндчиликнинг равнаки арабистон ярим оролида истикомат киладиган халкларникидан бирмунча мураккаб ва мукамалроқ булган. Аммо мазкур минтакадош таркок холда яшаётган, ёвга карши курашиш бошланганда уюшишга ёки музокаралар олиб бориш билан узларининг химоя килишга нунок уруг-аймоқлар ислом байроги остида беришган араблардан енгилди.

Таянч тушунчалар
Цивилизация. Шарк. Фарб. Социал хаёт. Шахс масаласи.

Назорат учун саволлар:

1. Жамиятнинг социал тузилиши.
2. Кадимги Урта Осиёда фани ривожланиши.
3. Ижтимоий хаёт.
4. Мехнат масаласи.
5. Социал турмиш тарзи.
6. Социал табакаланиш.
7. Социал кадрият.
8. Инсон омили.
9. Маданий хаёт.
10. Социал эхтиёж масаласи.

Адабиётлар:

1. Ё. Тоиров “Фалсафа курсининг айрим масалалари” Ф. 1994 й.
2. И.Муминов “Урта Осиёда ижтимоий прогрессив фикирлар тарихидан” Т. 1974 й.

3-4. Мавзу: Кадимги Хиндистон ва Хитойда ижтимоий билимларни ривожланиши.

Режа.

1. Кадимги Хиндистонда социал карашлар.
2. "Веда" ва Уланишадалар социал мохияти.
3. Кадимги Хиндистонда касталар ва чарвак таълимотини ижтимоий асослари.
4. Хитойда конфуций ва дао маълимотлари.
5. Кадимги Хитойда ижтимоий билимларни тараккиёти.

Кадимги Шарк цивилизасияси деган энг аввало Кадимги Шарк , яъни Хиндистон, Кадимги Хитой давлатлари куз унгимизда намоён булади. Кадимги Хинд фалсафасининг пайдо булиши ва ривожланиши буйича суз юритилганда одатда 3 асосий давр алохида ажратиб курсатилади. Булар эрамиздан аввалги 1-минг йилликнинг боши ва эрамизнинг дастлабки асрларини камраб оладиган энг кадимги давр, 10-12 асрлардан 17-18 асрларгача булган илк, урта аср ва кеч урта асргилик даври хамда янги (бунга хозирги давр хам киради.) даврлардан иборат.

Хиндистоннинг эрамиздан олдинги 1-минг йилликлардаги дастлабки фалсафасини урганишда Кадимги Хиндларнинг "Веда" деб аталадиган диний тупламлари ва иккита катта эпик достони - "Рамаяна" ва "Махабхората".

Абу Райхон Берунийнинг "Хиндистон" асари мухим ахамиятга эга.

"Веда" деб аталадиган мукаддас китобнинг "маъносини билмаган нарсани билишдир. Хиндлар "Веда" китобини, олий тангрининг Барохим огздан айтилган сузи, дейдилар."

"Веда" китоби Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведа деб аталадиган турт булимдан иборат. Турт булимнинг хар бирининг узига хос укиш йули бор. Мазкур булимларнинг хар бирида муайян фалсафий гоя илгари сурилади.

"Веда"лар хинд халкининг, дини , афсоналари, урф-одатлари, поэзияси, илм, фалсафий тасаввур ва билимларини урганиш учун айникса куп материал беради.

"Веда"ларда борлик, фазо, вақт, дунёнинг пайдо булиши, инсон хаётининг табиий асослари, табиат ва жамият уртасидаги алоқадорлик,

илохий кучлар хакида фикр юритилади, "Веда" китоби яхши ишларга таргиб килишни, ёмон ишлардан кайтаришни, амалларни аник чегараларини курсатиб кизиктиришни, куркитишни, яхши мунофат ва жазоларни баён килади. Унинг куп кисми дуолар ва оловга килинадиган турли курбонликлар хакидадир.

"Веда" нинг ташкил этган булимларининг энг кадимийси "Ригведа", хиндларнинг худолари булган парилар тугрисида мифлар билан бир каторда хар бир нарса табиий равишда пайдо булган деган гоюлар бор. "Ригведа" даги дунё сувдан яратилган деган фикр эътиборга сазовордир.

"Веда" лимнларга кадимги хинд диний-фалсафий шархлардан иборатбулган упанишадаларда борликнинг бош мабаи, моддий ибтидоси деб хисобланган сув, олов, хаво, ёруглик, тупрок, озик-овкат, фазо, вакт, оламнинг тузилиши ва уни бошкрувчи конунлар, инсон билимининг манбалари ва турлари ижтимоий. Тафавутларнинг келиб чикиши, инсоннинг ижтимоий мажбуриятлари, хаётнинг олий максадига эришиш масалалари караб чикилади.

"Упанишада"лар таълимотига кура, инсон ер юзида янги тугилишлар гирдобидан кутулмоги учун уз рухининг баркамол брахман билан бирлиги хакидаги уй-фикрга берилмоги лозим. Унда таъкидланишича тана жойининг кобиги булиб, жон эса дуёвий рухнинг бир булагидир. Эрамиздан аввалги 2000 йилликлар урталарида Хиндистонга шимолдан ерлик ахолининг ахолида тиллари ва ранглари фарк килган халклар кириб кела бошлади. Улар Европа тилларига ухшаш булган санскрит тилида гаплашар эдилар. Узларини эса орийлар деб атар эдилар. Улар узлари билан мукаддас ёзувларини хам олиб келдалар. Улар Ведалар санакрит тилида -башарот эди.

Кадимги Хиндистонда илк ижтимоий фикрлар иккига булинган. Бири Ведалардан келиб чиккан ва унга суянувчи мактаблардан, иккинчиси Ведаларни тан олмайдиган, уларни рад этувчи мактаблар Ведаларни тан олувчи ва уларга суянувчи мактабларга.

Ведалар таълимоти-талкин килувчи дастлабки диний-фалсафий мактаблар Миманса ва Веданта хисобланади. Бу иккала мактаб хам Ведалар мукаддас китоб деб билади ва кишилар хаётида уларни тула амал килишни талаб килади.

Ведаларни шархлаш ва ундаги фалсафий жихатдан асослашда Санхия мактаби алохида урин тутуди. Бу мактабнинг асосчиси Калила хисобланади.

У тахминан миллоддан аввалги 600 йиллар яшаган. Санхия мактаби икки бошлангични моддий ва бошлангич рухни эътироф этади. Шунингдек кадимги шарқда Хитой мактаблари ҳам етакчи рол уйнаган. Конфуций, Даосизим талимотларида инсонни социал шакилланиши хақида жуда куплаб фикрлар берилган.

Таянч тушунчалар

Ведалар. Упанишада. Хинд мактаблари. Чарвак таълимоти. Конфуций. Даосизим. Хитой мактаблари.

Назорат учун саволлар:

1. Кадимги Хиндистонда социал иктисодий хаёт.
2. Социал жамиятчилик.
3. Хиндистондаги социал табакаланиш нималардан иборат.
4. Социологик фикрларни шакилланишидаги социал омиллар.
5. Буддизмнинг мохияти.
6. Кадимги Хитой ижтимоий-иктисодий тараккиёт.
7. Конфуцизмни функцияси.
8. Мақсад ва вазифаси.
9. Даоизмнинг мохияти.
10. Функцияси ва мақсади.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Тарихий - хотирасиз келажак йукдур” Т. 1998 й.
2. Ж.Холбеков “Шарқ ва Ғарб мутафаккурлари” Т. 1995 й.
3. “Дунё динлари тарихи” дарслик.

5-6. Мавзу: "Авесто"нинг Марказий Осиё ижтимоий ҳаётидаги урни

Режа.

1. Марказий Осиёдаги диний дунёқарашни социал моҳияти.
2. "Авесто"ни ижтимоий маънавий асослари.
3. "Авесто"да инсон ва жамият масаласи.
4. Марказий Осиё халқларини ижтимоий фикрини шаклланишида "Авесто"

“**Авесто**” зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк саҳифалари Зардушт томонидан VII асрнинг охирида Амударе соҳилларида яратилган. Кейинчалик Жанубий Эронда оташпарастлик динининг уламо-коҳинлари томонидан тулдирилиб, такомиллаштирилган. Бу китоб 12 мин ҳукиз терисига битилган. македониялик Искандар Шаркнинг забт этганда унинг нодир нусхасини Эладага элиб. керакли жойларини таржима килдирган, колганини эса ектирган. Эрамизнинг биринчи асрида ашқонийлар ҳукмдори Валагес Аршаниз ва учинчи асрда ҳамда Хусрав Парвиз, Шопури Хурмузд даврида “**Авесто**” бир неча бор кучирилган, қайтатикланган. Кейинги вақтларга қадар “**Авесто**”нинг ватани хусусида олимлар уртасида жиддий баҳслар бўлиб келарди. 80 йилларнинг урталарига келиб барча тадқиқотчилар “**Видевдад**”да учрайдиган Марв, Бактрия, Хирот, Сугд, Нисо, Хоразм, Сеистон, Амударе, Сирдаре каби Жугрофий атамаларга асосланиб, “**Авесто**”нинг ватани Урта Осиё ва унга чегарадош юртлардир, деган қатъий хулосага келдилар. Ҳақиқатда ҳам “**Авесто**”даги жугрофияга доир маълумотлар бу хулосани тула тасдиқлайди. Зероки, унда икки қаро ҳудудидаги жойлар, тоғлар, яйловлар ҳақида мулоҳазалар қил.

“**Авесто**” зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, илм-фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича муқаммал маълумот берадиган улкан, энг қушман манба ҳисобланади.

“**Авесто**” эрамиздан олдинги икки мингинчи йиллардан тортиб то олтинчи асрларгача бўлган даврдаги Урта Осиё ва Эрон халқлари тарихига доир, Сирдаре ва Амударе соҳилларида яшайдиган халқларнинг ижтимоий турмушига оид маълумотлар бор. Чунончи, китобда шу сарзаминларда истикомат қилган халқларнинг қасб-қори, савдо-солиғи, қушни халқлар

билан муносабатлари баен; хар бир касб, хунар эгасининг жамиятда тутган урни алохида кайд этилган. Дехконлар билан чорвадорлар жамият моддий неъматларини яратувчилар сифатида таърифланган.

Мазкур обидада иктисодий хаёт, жугрофия, фалакиёт, илми нужум, ижтимоёт, биология, фалсафа ва тиббиётга доир кублаб кимматли маълумотлар мавжуд.

Хурматли президантимиз Ислон Абдуганиевич Каримов айтганларидек. Хоразим давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз . лекин Россиянинг хох утмишдаги, хох бугинги кузга курунган бирор бир тарихчисидан сураб курунчи, шуни тан олармикин ? Тан олмайди, билмайди, билишни хохламайди хам. У жарликнинг сабаби битти: башарти тан олгудек булса, тарихий хулосалари чипакка чикади, илмда сохта йул билан борганлари фош булади. Энг муътабар, кадимги кулезмалар **“Авесто”**нинг яратилганига **3000** йил буляпти. Бу нодир китоб бундан **XXX** аср мукаддам икки даре оралигида, мана шу заминда умргузаронлик килган аждодларимизнинг биз авлодларига колдирган маънавий, тарихий меросидир. **“Авесто”** айна замонда бу кадим улкада буюк давлат, буюк маданият булганидан гувохлик берувчи тарихий хужжатдирки, уни хеч ким инкор этолмайди. Лекин, юкорида айтганимдек, бирон бир хорижий журналистнинг, умуман, Гарб одимларининг **“Авесто”**ни эслашганини билмайман . Хулоса шуки, олис-олис жойларда халкимиз, мамлакатимиз утмиши хакида айтишаётган мулохазанинг аксарият кисми сохта, гайриилмийдир.

Президентимиз узбек халкининг бетакрор тарихи ва маданий- маънавий меросининг накарар чукур илдизга эга эканлигини **“Туркистон”** газетасининг мухбири саволларига берган жавобида хам яна бир бор эслатиб утади : **“Биз жахон майдонига куникеча пайдо булган халк эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халкимиз кухна Хоразм заминида **“Авесто”** пайдо булган замонлардан буен уз хаёти , уз маданияти, уз тарихи билан ашаб келади”**.

“Авесто”да дуненинг яратилиши, инсоннинг халк булиб камол топиши , эзгулик учун евуз кучлар билан кураши, эркинлик , иждолик ва бунедкорлик йулида орзулари уз ифодасини топган.

Заратуштра таълимоти , **“Авесто”**да олга сурилган эзгу фикр , эзгу калом ва эзгу амал хамон инсониятни эзгуликка чорлаб, одамларни рухан поклаб, маънавийят чамани томон етаклаб келмокда.

Зардуштийлик таълимоти хам барча динлар сингари аввал огзаки тарзда пайдобулиб, кейинчалик хатга тушган.

Зардуштийлик-дуневий динлар орасида энг кадимгиси булиб, инсоният таракиетига бевосита ва билвосита жуда таъсир курсатган.

Бунданташқари, зардуштийлик мохиятан инсон, онги ва тасаввуридаги, шунингдек, табиат ва жамиятдаги ажралиш, булиниш, яхшилик ва ёмонлик, олийжаноблик ва кабохат, сахийлик ва бахиллик, кун ва тун, хаёт ва улим, еруг ва зулмат, адолат ва адолатсизлик ва уларнинг узаро курашини ифодалаш, **умумфалсафий** “дуализм” тушунчаси замирида хам шарқона, тугрироги, турқона “дуал-девор” сузининг дастлабки маъноси йукмиқан, деган мулохаза тудиради.

Зардуштийликда “яхши” ва “ёмон” ходисалар хақида гап боради. Ахура-Мазда узининг яхшиликка асосланган ерини (мамлакатини) барпо этса, Анхра-Ману (Архиман) ёмонлик (жохиллик)ка асос солади. Ана шу тарика яхшилик ва ёмонлик, ёруглик ва зулмат, хаёт ва улим уртасидаги абадий нураш пайдо булади.

Оташпарастлар учун инсон хаётининг мохияти халолва покликда. Инсон “Эзгу фикрат”, “Эзгу калом”, “Эзгу амал” орқали ёмонлик билан курашади. Моддий неъматларни купайтириш ёмонлик кучларини синдириш воситаси хисобланади.

Инсоният тарихи-табиати ва хаёт хақидаги оддий тасаввурларидан, чекланган эхтиёжларидан мураккаб маънавий фаолият даражасигача усиш жараёнини уз ичига олади. Инсоний цивилизациянинг бошланишида маънавият бир пайтнинг узидан инсоннинг коришма тафаккури хосиласи хамда сабаби тарзида кузга ташланади.

“Авестода” да зардуштийлик диннинг конун-қоидалари, фарз васуннатлари, Яздони покнинг яккаю ягона яратувчанлик кудратъи таърифларию мадхи билан бирга ижтимоий хаёт, турли ижтимоий табақалар, моддий олам, 16 кишварнинг яратилиши, хар хил касб сохибларининг турмушида тутган урни, дунё ва инсоннинг комиллиги, тартиб низомлари, уларнинг мусбат ва манфий томонлари, моздапарастликнинг асл мохияти, бошқа динлардан фарқи, инсон тафаккурининг мутлак гоё билан боғланганлиги ва бошқа куп масалалар хусусида социал **фалсафий мушоҳадалар** юритилади.

Дунё, коинот, табиат хақидаги тасаввур хамда тушунчаларни икки кутб уртасидаги кураш тарзида идрок этиш, барча ходисалар замирида

Ахура-Мазда ва Анхура Ману бунёд этган яхшилик ва ёмонлик , нур ва зулмат, хаёт ва улим уртасидаги курашетишини такидлаш зардуштийлик фалсафаси инсон табиати буйича нақадар чуқур талимот колдирганидан дарак беради.

Кадимги Хоразм цивилизациясининг вужудга келиши, ривожланиши ва узига хос хусусиятлари куп йиллардан бери Зардуштийлик талимоти шу диннинг муқаддас китоби Авесто да баён этилган. У мохиятан дуалистик характерга эга булиб, бир-бирига карши тинимсиз курашиб турувчи икки худони: мархаматли, яхши худо “Ахурамазда” ва шавкатсиз, ёмон худо “Анхраману” (“Ахриман”)ни тан олади. Унда бошкаручи еруглик олами ва коронгулик олами хакидаги таълимотни олга сурди. Зардуштийлик динида олов гунохлардан тозаловчи сеҳрли куч сифатида каралди.

Мархумга шам екиш, туйда келин келгандан сунг уртага гулхан ёкиш оташпараст ота-боболаримиздан колган урф-одат.

Таянч тушунчалар
Дуализим. Ахурамазда. Ахриман. Зароштризм. Дахю. “Виз”.

Назорат учун саволлар:

1. Авестони социал ахамияти.
2. Авестода шахс масаласи.
3. Мехнат ва турмиш масаласи.
4. Эзгулик ва ёвузлик уртасидаги кураш.
5. Авестода ҳуқуқ ва адолат.
6. Авестода жамиятнинг тузилиши.
7. Кадимги Урта Осиёда фаннинг ривожланиши.
8. Оташпарастлик дининг ёйлиши.
9. Оташпарастлик дининг функцияси.
10. Социал табақаланиш.

Адабиётлар:

1. И. Муминов “Урта Осиёда ижтимоий прогрессив фикрлар тарихидан” Т. 1974 й.
2. Т. Махмудов “Авесто” Т. 2000 й.

7-8. Мавзу: Ислом ва Марказий Осиё халклари.

Режа

1. Исломни Марказий Осиё халклари социал карашларига таъсири.
2. Марказий Осиёда социал муносабат ва турмиш тарзида ислом.
3. Исломда - социал масалалар.
4. Марказий Осиёда фан ва маданият тараккиётида ислом.

VI-VIII асрларда мусулмон маданияти асосан Куръонни ёд олиш, урганиш, шархлаш, уни воъизлик, хатоблик оркали тарғиб ва ташвиҳ этиш, Мухаммад саллоллоху алайҳа вассаламнинг ҳаёти ва хатти-ҳаракатлари, энг муҳим курсатмалари тугрисидаги ҳадисларни туплаш, системалаштириш, шархлаш, уларнинг ишончли иснодларини топиш, тарихлар уқиш етакчи булган, тасвирлаш тузишга киришилган. Мадина, Макка, Куфа, Басра, Дамашк, Богдод ва бошқа шаҳарларда дастлабки мусирмончилик диний-маданий ва меъморчилик обидалари вужудга кела бошлаган эди. Ислом динининг фалсафий гоялари ривожланишга шарк халқларининг исломдан олдинги ижтимоий фалсафий карашлари ҳам таъсир этди.

Мана шундай жиддий метадиалогик ва мафкуравий кенг камров лилик туфайли мусулмон фалсафасининг диний компонентиди ҳам дунёвий - рационалистик ва инсонпарварлик майллари кучайди, умумбашарий ахамият касб эта бошлади.

Урта Осиё халқлари узларининг бир неча йиллик тарихи давомида узига хос маданият, цивилизация ва фалсафа яратдилар. Шарк жаҳон маданияти ва цивилизациянинг бешигидир, жаҳон тарихи шу ердан бошланади. Урта Ер денгизи атрофлари инсониятнинг илк ватани булган. Қадимги шарқликлар Куёш, Сув ва тупрокда ҳаётнинг ибтидосини курганлар, уларга астойдил сизинганлар. Шарқда вужудга келган барча диний системалар (хиндуизм, буддизм, конфуцизм, зардуштийлик, ислом) инсон билан табиат уртасидаги мутаносибликни таъминлашга, жамият ва табиатнинг уйғунлашувига алоҳида эътибор берганлар. Шарқда илмий билимларнинг тараккий этишига у ёки бу диний таълимотларининг

хайрихохлик билдирмаганлиги заминида ҳам, эхтимол, инсон билан табиат уртасидаги гармонияни саклаш зарурияти ётгандир.

Диний системалар шаркликларда факат экалогик маданиятнинггина эмас, балки узига хос меҳнат маданияти ва истеъмол маданиятини ҳам шакллантирган. Улар ортикча хашам ва исрофгарчиликни эмас, балки хаёт учун зарурий нарсалар билан кифояланиши афзал курганлар. Шаркликларни турмуш тарзи ва хаёт фалсафасосан диний системалар доирасида шаклланган ва ривож топган. Дин охир -окибатда хар бир халкнинг тарихий тақдирига, унинг маданияти турмуш тарзи, миллий психологияси ва фалсафасига хал килувчи таъсир курсатган. Динсиз халк уз миллий узига хослиги, миллий рухи, яратувчанлик кудратидан махрумдир.

Ислом дини Урта Осиё халклари тарихида, унинг маданияти ва цивилизацияси шаклланишида катта рол уйнаган. У бошка динлар фаркли равишда факат таълимот ва мафкуранигина эмас, балки сиёсат ва хзаёт тарзи ҳам эди. Ислом динига хос анашу универсаллик мусулмонлар маънавиятининг ҳамма сохаларини камраб олган. Куръон шарият ва хадисларга хар бир мусулмоннинг ижтимоий, сиёсий, ахлокий, ҳукукий, маиший ва хаказо фаолияти катъий белгиланган ва тартибга солинган. Бу эса кишилар уртасидаги муносабатларни такомиллаштиришга, бойлик ва кашшоклик, донишмандлик ва нодонлик ва оқиллик ва жоҳиллик уртасидаги зиддиятларни мумкин қадар бартараф этишга имкон беради.

Ислом ахлоки умумбашарий қадриятларни эъозлашга, бошка динларга нисбатан сабр-тоқатли булишга сосиял зулим ва табиатга нисбатан зуравонлик қилишни бартараф қилишга қаратилган эди. Ислом динида инсон ва табиатга булган муносабат оллохга булган муносабат сифатида талкин этиларди. Шарқда Оврупага хос булган синфлар ҳам, синфий курашлар ҳам булмаган. Шарқда давлатнинг пайдо булишини хусусий мулк ва синфларнинг пайдо булиши билан изоҳл ашнинг хато эканлиги илмий адабиётларда алоҳида қайд этиляпти.

Қадимги аждодларимизнинг қон-қариндошлик алоқалари асосида бир оила атрофида уюшмаларида тирикчилик неъматларини биргалиқда яратиш эмас, балки энг аввало алоқий муносабатларни тартибга солишлари, чунончи, одам улдиришни маън этиш, опанинг сингилга, отанинг кизига уйланишини таъқиқлаш, яъни табу хал килувчи роль уйнаган.

Диний жихатдан эркин булиб, сиёсатга бевосита аралашмаганлар, халк осойишталиги ва фаровонлиги учун узларини масъул деб ҳисоблаганлар

,Хамиша халк манфаатларини химоя килганлар . Хукмдорларининг одил ва раиятпарвар булишига даъват килганлар .Машхур дин арбобларига подшолар ва мулкдорлар томонидан ер ёки куй-мол инъом килиш ,ананаси мавжуд булиб,диндорлар ,машхур диний арбоблар энг бадавлат кишилар хисобланганлар.

Ислом дини Урта Осиёнинг ижтимоий -сиёсий ва маданий-цивилизацияли тараккиётида мухим роль уйнади. “Кухна тарихимизнинг кайси даврини эсламайлик ,-деб алохида таъкидлади республикамиз Президенти И.А.Каримов узининг Олий Мажлисининг биринчи сессиясида килган маърузасида ,-дин хар доим одамларни уз-узини идора этишга ,яхши хислатларини купайтириб, ёмонлардан халос булишга чорлаган.Хар бир алохида инсонга ,оила , жамоа, минтака, бир суз билан айтганда , умумхалкка рахнамо булган.

Уни огир-огир синовларга бардош беришга ,ёруг кунларга интилиб яшашга даъват килган , ишонтирган .Бундай давлат уз навбатида одамларга куч- кувват багишлаган, иродасини мустахкам килган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган.

Урта Осиё халклари ислом дини ва унинг гоёлари шарофати билан маънавий-ахлокий ва илмий -маърифий тараккиётда оламшумул ютуқларга эришдилар ; жахон маданияти ва цивилизациянинг равнакига муносиб хисса кушдилар .Уз навбатида ислом дини ва илохиятини Урта Осиёлик улуг алломаларнинг ижодий фаолияти ,араб-мусулмон маданияти , илм-фан ва фалсафанинг оламшумул-тарихий ютуқларини Имом Исмоил ал-Бухорий ,Имом Исо ат-Термизий сингври буюк мухандислар,Бурхониддин Маргиноний сингари машхур фикхшунослар,Абу Наср Фаробий,Мусо ал-Хоразмий,Ахмад Фаргоний ,Абу Райхон Беруний , Ибн Сино сингари унлаб олим ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий меъросисиз тасаввур этиб булмайд .

Урата Осиё заминида ислом динини яшовчилик, шароитга мослашувчанлик ,инсонпарварлик хислатлари якколрок кузга ташланди. Ислом дини узининг куп асрлик тарихи мобайнида Урта Осиё халкларининг маънавий бойлигига, Мукаддас кадриятига айланди. Шу боисдан хам ислом дини маданияти ва фалсафасисиз халкимиз миллий маданиятнинг узига хослигини ,халкимизнинг рухияти , фикрлаш тарзи ва анъаналарининг хакикий мохиятини англаб булмайд .Ислом дини арабларга ёки бошка атам халкларига нисбатан хам узбеклар рухиятига,

унинг фикрлаш тарзи ва хаёт-фаолиятига якинрок булиб чикди .Ислом гоялари хаётдан бутунлай ажралиб колган курук акидалар эмас эди, балки аксинча, бу хар бир мусулмоннинг маиший , ижтимоий-сиёсий ва маънавий хаётига нихоятда якин булганлиги дунёвий муаммоларига бефарк булмаганлиги учун хам муайян тарихий даврларда хукмрон доиралар кулида гайритабий вазифани -сиёсий мафкура вазифасини бажарган.Унинг асл мохиятига зид булган бу вазифаси охир -окибатда унга чексиз бахтсизликлар хам келтирган . Ислом дини мафкурага айланиши билан унинг кенг омма уртасидаги мавкейига путур етган ва охир-окибатда диний таказзулни кучайтирган .Халкимиз тарихининг турли боскичларида ислом дини ижтимоий-сиёсий баркарорликни карор топтириш , ижтимоий фаровонликни таъминлаш ва кишилар уртасидаги муносабатларни такомиллаштиришда мухим роль уйнаб келган.

Ислом дини Урта Осиёлик улуг мухадислар,факхшунослар, илохиятчилар томонидан янада ривожлантирилди. Урта Осиёлик забардаст олимлар :Имом ат-Термизий,Абулкосим Замахшарий, Нажмиддин Кубро, А.Яссавий, А.Навоийларнинг хиссаси катта.

Таянч тушунчалар

Ислом. Диний кадрийат. Ислом феномени. Ислом ва фан. Социал хаёт тарзи. Тарикатлар.

Назорат учун саволлар:

1. Шаркнинг ижтимоий сиёсий хаётини изохланг.
2. Исломни юзага келишини социал омиллари.
3. Исломнинг социал максади.
4. Ижтимоий функцияси.
5. Ислом ва жамият.
6. Ислом ёйилишининг социал сабаблари.
7. Жамиятнинг социал муаммолари.
8. Ислом ва Шахс.
9. Шахснинг социал шаклланишида исломнинг роли.
- 10.Араб ва Урта Осиёни узаро алокасида исломнинг урни.
- 11.Ислом ва фан.
- 12.Фанда ислом феномени.
- 13.Мехнат масаласи.
- 14.Турмиш тарзи мохияти.
- 15.Инсон ва жамият узаро алокасида ислом.

5. Мавзу: Урта аср шарк мутафакирлари ва уларнинг социологик фикрлари.

Мавзу: №9-10

Режа.

1. Шарк мутафакирларини етишиб чиқишидаги социал омиллар.
2. Алломаларнинг социологик фикрларини шакилланишида ижтимоий таракиёт.
3. Тасаввуф лими ва унинг социал моҳияти.

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёкараш билан комусий билимдонликни узида мужассам этган буюк арбоблар куп утган. Имом Бухорий, Термизий, Хожа Баховуддин Накшбандий, Ахмад Яссавий, ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Захириддин Мухаммад Бобур ва бошка куплаб буюк аждодларимиз миллий кадриятимизни ривожлантиришга улкан хаиса кушдилар, Халкимизнинг миллий ифтихори булиб колдилар. Уларнинг номлари жахон Цивилизацияси тараққиётига кушган буюк хиссалари хозирги кунда бутун дунёга маълум.

Айни шу замонда куп асрлар мобайнида жахон маданиятларига дунё микёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кучманчи халклар утрок халклар билан, Эронлик кабилалар турк кабилалари билан, мусулмонлар, насронийлар ва яхудийлар билан куп асрлар бирга яшаб келганлар. Сунгги аср давомида узларини маданиятли ва маърифатли хисоблаб келган давлатлар оммавий киргинлар ва диний таълимлар узларига дог туширган бир пайтда узбек замини халклари ва маданиятлари тинч бирлашган жой булиб колмай балки, кувгин килинган халкларга бошпана берган.

Маворауннахрнинг аштархонийлар давридаги маданиятида шундай олдинги аср маданиятига нисбатан чуқур инкироз юз берганлиги кузга ташланади. Урта Осиё илгор галлаларни ажратиб ваа демократик прорессив маданий тенденциялар сохибларини суриб чиқариб, узининг кадимий хамда иктисодий алокаларидан махрум булди. Халкнинг маънавий турмушини мусулмон рухонийларининг доимий назорати остида булди, улар диний акидаларга сузсиз амал килишни турли хил урф-одатларни адо килишни талаб килдилар.

Аник ва табиий фанлар бутунлай сижиб чиқарилди. Ажойиб фалаккиётчилар мактаби урнини хонлар учун кулай юлдузлар жадвали тузиб берувчи мунажжимлар эгаллади. Илохиятчилар маворауннахр илмий хаётида марказий сиймолар булиб колди.

Кейинрок куламда булсада Урта Осиёда ҳам демократик йуналишдаги уз матафаккирлари ва шоирлари бор эдики, улар бу бепоён улка учун чиндан ҳам тарихий ахамият касб этарди. Европадаги демократик маърифатчилик харакати барча диний хурофатларга бардош берган кудратли тулкин булса, Урта Осиёдаги демократик фикр вакиллари афсуски, мусулмон жахолатпарастлари улкан океандаги оролчаларга ухшарди. Лекин уларнинг чексиз жасорати ҳам шундай эди.

Маълумки XIII аср бошларида Бухорода поэтик истеъдоди билангина эмас, балки юксак ахлокий ва инсоний фазилатлари учун ҳам танилган купгина ажойиб шоирлар яшаган. Уткир зехли ва сузамоллиги, кенг билими ҳамда нозик диди туфайли "тугма Афлотун" деб ном чиқарган Самаркандлик мулло Фитрат шеърлари бебахо инжуга нисбат берилган, узи хонлар илтифотини изламаган мулло Мулхон ҳам шундай булганлар.

Ажойиб узбек халк шоири Турди XII асрнинг биринчи ярмида яшаб, тахминан 1101 йилда вафот этган. Ижтимоий адолат учун уз халқини аёвсиз талаган феодалларга карши аник ифодаланган кураш мавзуси Турди шеъриятида асосий уринни эгаллайди. У беклар ва амирларнинг очкузлигини кеп сонли хон амалдорлари соткинлигини газаб билан коралайди, уларни виждонсизликда хоинликда мугомбирлик ва тиланчилик, оддий халқнинг оёк ости этилишда айблайди.

Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий машхур узбек олими ва доно мутафаккири булиб, асли Хива шахрида тугилган. Аллома Якин ва Урта Шаркда илк уйғониш даврининг илм-фан ва маданияти равнакига улкан хисса кушган комусий олимлардан биридир. Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий 782 йили Хоразмда дунёга келди. Хоразмий илм-фан ва маданиятнинг кадимий бешикларидан хисобланган Хоразмда комусий олим сифатида шаклланди, вояга етди ва уз ижодини шу ерда бутун жахонга танитди.

Беруний ибн Сино билан бир даврда яшади ва узининг оригинал илмий асарларини яратди. Айникса унинг социол сиесий карашлари эътиборга лойикдир.

Беруний узининг бутун ижодий фаолияти давомида ижтимоий ҳаёт масалалари билан кизиктиги , “Хиндистон”, “Утмиш авлодларининг едгорлиги” асарида уз социологик карашларини баён этди.

Беруний марказий Осиё ва Шарқ мутафаккирларини илгор социол-сиёсий гояларини ривожлантирди. Жумладан , узининг “Утмиш авлодларининг едгорлиги” асарида инсоният ҳаётининг ҳақидагт масаласини илмий асосда ҳал этшга ҳаракат қилди. Ҷамият ва кишилар ҳаётида географик омилнинг аҳамияти , унинг ижтимоий ҳодосаларига таъсирини курсатди. Муслмонлар ва Хиндларнинг урф-одатидан тафовутларнинг географик шароитлар билан изоҳлади , ҳатто тиллар уртасидаги тафовутларни ҳам географик омиллар билан боғлади .

У **Хоразм** цивилизациясининг ривожланишида Аму(ОКС) даренинг муҳим рол уйнаганлигини асослаш учун қублаб тарихий ва археологик маълумотлар туплади ва уларни илмий таҳлил қилди.

Таянч тушунчалар

Географик омил. Урф-одат. Шахс масаласи. Фан ривожи. Ал-жабр. Хоразм цивилизацияси.

Назорат учун саволлар:

1. Урта Осиёда фан йуналишлари.
2. Маданий ҳаёт.
3. Ижтимоий муҳит.
4. Инсон омили.
5. Социал сиёсий ҳаёт.
6. Фан ва маданият вакиллари.
7. Фан юксалишининг социал сабаблари.
8. Ижтимоий табақаланиш.
9. Ҷамиятнинг социал структураси.
10. Мехнат ва турмиш тарзи масаласи.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Тарий - хотирасиз келажак йукдур” Т. 1998 й.
2. Ё.Тоиров “Фалсафа курсининг айрим масалалари” Ф. 1994 й.
3. Ж.Холбеков “Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари” Т. 1995 й.
4. И.Муминов “Урта Осиёда ижтимоий прогрессив фикрлар тарихидан” Т. 1974 й.

11. Мавзу: Форобий ва унинг социал каршлари.

Режа

1. Форобий - "Шарк Арастуси"

2. "Фозил одамлар шахри" асарида давлат ва бошқарув масалалари.

3. Асарда ижтимоий муносабатларни талкин қилиниши.

Форобий унинг тахаллуси булиб,тулик номи Абу Наср Муҳаммад ибн Узлуг Тархон- жаҳон маданиятига катта хисса қушган Урта Осиёлик машхур файласуф,комусий олим. Урта асрнинг бир канча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Урта Шарк мамлакатларида тараккийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожини унинг номи билан боғлиқ.

Абу Наср Муҳаммад ибн Узлуг Тархон ал-Форобий ҳозирги Шимкент вилоятининг Фароб қишлоғида 873 йилда таваллуд топган.

У дастлабки билимни Фаробда олган. Унинг фикр доирасига, илм-фанга булган кучли қизиқиши ва интилишига узи тугилиб усган юртида олган билими қифоя қилмаган. Тошкент, Самарканд ва Бухорода, Марказий Осиёнинг бошқа улкаларида олган тахсили унинг илм-маърифатга булган ташналигини кендира олмаган. У Богдодда куним топади.70 дан ортик тилни билган,дейлади унинг тугрисида.940 йилдан то умрининг охиригача Дамашқда гарибона яшаб,факат илм-фан билан шугулланган. Фан оламида унинг 160 дан ортик асаримаълум. Замондошлари уни “Шарк Арастуси”, “ал-Муаллим ас-Соний”деб номлаганлар. Аристотелдан кейин фалсафа фани оламида, хусусан, Шарқда Форобийга тенглаша оладиган олим майдонга чикмади. Форобий уз билими, маърифати, фикр доирасининг кенглиги, комусийлиги,жаҳон фани таракийётига қшган бебаҳо хиссаси билан шуҳрат қозонди.

Форобийнинг илмий мероси урта аср Шарқининг маданий-маънавий ҳаётидан,табiiй-илмий,ижтимоий-сиёсий масалаларидан жуда бой маълумот беради.

Шуниси диккатга сазоворки, Фаробий табиий ва ижтимоий фанларни вазифасидан келиб чикиб тугри фарклаган. Унинг фикрича, математика, табиатшунослик, метафизика фанлари инсон аклини билимлар билан бойитиш учун хизмат килса, грамматика, мантик, шеърият каби фанлар аклий тарбияга хизмат килган, сиёсат, ахлоқ, таълим-тарбияга оид фанлар инсонларни жамоаларга бирлашувини, ижтимоий хаётга тегишли коидаларни ургатади.

Фаробий таълимотида мавужудот 4 унсур-тупрок, сув, хаво, олддан ташкил топади; осмон жисмлари хам шу унсурлар бирикувидан вужудга келади. Фаробий учун дунё гунча булиб, аста-секин узининг ранг-баранг томонларини ва битмас-туганмас бойликларини тобора купрок намоён килиб очила боради.

Фаробий “Акл маънолари хакида” рисоласида акл бир томондан рухий жараён, иккинчи томондан ташки таъсир-таълим-тарбия натижаси эканлигани уктиради. Фаробий аклли инсон хакида гапириб шундай ёзади: “Аклли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, уткир мулохазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни ихтиро этадиган, зур истеъдодлга эга, ёмон ишлардан узларини четга олиб юрадилар. Ёмон ишларни уйлаб топиш учун зехн идрокка эга булганларни аклли деб булмайти, уларни айёр, алдокчи деган номлар билан атамок лозим”.

Фаробий урта асрлар шароитида биринчи булиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари хакида изчил таълимот яратади. Бу таълимот давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътикод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошқаларни камраб олган. Фаробий шахарни ижтимоий уюшишнинг етук шакли инсоният камолотга эришишининг зарурий воситаси деб хисоблайди. “Давлат арбобининг хикматлари” рисоласида у доимий урушлар ва босқинчиликка асосланувчи жамиятни адолатсиззохил жамият сифатида коралайди. Фаробий узининг фозил жамоасида одамларни турли белгиларга караб гурухларга булади. Кишиларнинг диний мазхабига, миллатига, иркига караб эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятига, аклий иктидорига, илмларни урганиш, хаётий тажриба туплаш жараёнида орттирган билим ва қуникмаларига катта ахамият беради. Итоаткорликка даъват этувчи таълимотларни кескин коралайди.

Фаробий жамият ривожидида етукликка томон интилиши, шунинг учун курашиб бориши ва ниҳоят фозил жамият, фозил шахар даражасига

кутарилиши хакида фикр юритади. Фаробий бундай фозил жамоани бошқарувчи подшоларга ҳам маълум талаблар куяди. У халқ хакида доимо гамхурлик қилиши, бошқалар манфаатини уз манфаатидан устун қуйиши зарур. Улар қуйидаги хислатларга эга бўлиши керак. Адолатли, доно бўлиши, қонунларга риоя этиши, қонунлар ярата олиши, келгусини олдиндан кура олиши, бошқаларга гамхур бўлиши зарур.

Унинг фозил жамоа хақидаги таълимоти қомил инсон хақидаги фикрлари билан узвий боғланиб кетган. Фозил жамоада қомил инсон хислатлари вужудга келади. Фаробий давлатни ҳар томонлама етук, узида энг яхши фазилатларни намоён қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарур эканлигини қайд этади. Унинг айтишича, фозиллар шаҳри ҳокими энг аввало қуйидагиларга эга бўлиши керак.

- турт мишқаси соғлом бўлиши, Узига юқланган вазифаларни бажаришда бирор аъзосидаги нуқсон ҳалакит бермаслиги лозим;
- шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошнинг фикрларини тез тушиниб, илғаб олиши зарур;
- узи англаган, қурган эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тула туқис қилади, барча тафсилотларни унутмаслиги, зехни уткир, зукко бўлиши, фикрини равшан тушунтира олиши, чиройли сузлар билан ифодаланиши лозим.

Фаробий уз асарларида “давлат” атамасини қўлламайди, бироқ шаҳар жамоалари деганда шаҳар-давлатларни (ал-мадания) ни назарда тутган. Бундай шаҳар давлатлар ички ва ташқи вазифаларни бажарадилар. Ташқи жиҳатдан давлат шаҳарни, унинг аҳолисини ҳимоя қилади, хорижий давлатларнинг ҳужумидан сақлайди. Ички жиҳатдан эса шаҳар аҳолисининг бахтли ва фаровон турмушини таъминлайди.

Унинг фикрича, “шаҳар-давлат бошлиғи уз фуқароларига илм-фан ва саодатга эришиш йулларини курсатувчи муаллим бўлиши керак” деб таъкидлайди. У шаҳар-давлат бошлиғи лавозимига сайланадиган номзод мулоҳазали, ақл ва фаросат билан фикр юритувчи, гамхур ва одил бўлиши керак деб ёзади.

Фаробийнинг идеал шаҳар давлати икки тоифадан иборатдир. Биринчи тоифадаги шаҳар-давлат яхшилик, эзгулик, донишмандликка асосланади.

Иккинчи тоифадагилар эса нодонлик, жохиллик ва зулмга асосланади. Унинг фикрича, шахар-давлат фазилатли (Ал-мадина ал-фозила) ва фазилатсиз (Ал-мадина ал-жохилия) булади.

Ахолининг узаро ёрдами, дустилиги ва тинч-тотув яшашига асосланган шахар-давлат фазилатлидир.

Фаробийнинг ижтимоий-сиёсий рисолаларида халқ хоқимияти, яъни демократик давлатнинг тузилиши ҳақидаги фикрлари алиҳида урин тутган. Фаробий узининг асарларида жамиятнинг келиб чиқиши, давлатнинг пайдо булиши, унинг шакли, давлат арбоби ва унинг вазифаси, давлатни идора этиш ҳақида уз фикрларини баён этган. У инсоннинг жамиятдаги ҳаракатларини 2 га булган.

1. Адолатли, ҳақиқий, ақлга мувофиқ ҳаракатлар.

2. Адолатсиз, мақсадга мувофиқ булмаган ҳаракатлар.

Фаробий инсонларнинг ҳақиқий бахт-саодатга олиб боровчи яхши ҳаракат ва фаолиятлари фақат маълум асосий уюшма-давлат бирлашмаси ёрдамида амалга ошириш мумкинлигини курсатади.

“Биз, дейди И. Каримов, - бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила булиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминларда илму-фан барқ уриб яшагани табиий илмлар, ҳусусан, тиббиёт, математика, астраномия қаби фанлар мадрасаларда уқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, Магрибу Машрикка ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанч гурурлансак арзийди”.

Таянч тушунчалар

Фозил инсон. Комил инсон. Шарқ Арастузи. Жамият структураси. Юнон фалсафаси. Фозил шахар.

Назорат учун саволлар:

1. Жаҳон цивилизациясидаги аҳамияти.
2. Фаробий шарқ арастузи.
3. Фаробий ва жамият.
4. Унинг асарларини социал аҳамияти.
5. Юнон фалсафаси ва Фаробий.
6. Жамият структураси.
7. Ижтимоий муносабатлар муаммоси.
8. Инсон муаммоси.
9. Этник жараёнлар масаласи.
10. Хуқуқ ва адолат масаласи.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Тарихий - хотирасиз келажак йукдур” Т. 1998 й.
2. Ж.Холбеков “Шарк ва Ғарб мутафаккурлари” Т. 1995 й.
3. А.Фаробий “Фозил одамлар шахри” Т.1994 й.

12. Мавзу: Абу Райхон Берунийнинг - ижтимоий каршлари.

Режа.

1. А.Р.Берунийнинг социал карашларини шаклланиши.
2. Мутафаккирни социологик географик омилни тахлил килиши.
3. Аллома асарларида Марказий Осиё халкларининг ижтимоий тафаккури.

Урта аср шаркининг энг йирик олимларидан булмиш **Беруний** юкори даражада тараккий этган энг кадимги маданият марказларидан бири булган Хоразимдан тугилган.

Беруний яшаган давр Урта Осиё жумладан Хоразимнинг ташки боскинчилар хукмронлигидан кутилиб, мустакилликка эришиши ва ерли феодал давлатларнинг ташкил топа бориши билан характерланади; бу даврда мамлакат иктисодий ва маданий жихатдан маълум даражада ривожланади.

Уз замонасидаги барча йирик олимлар сингари **Беруний** хам тухтовсиз давом этиб турувчи махаллий феодал урушлари натижасида вужудга келадиган барча кийинчилик ва азоб укубутларни уз бошидан кечирди. У Мавороуннахр ва Хоразмнинг турли шаҳарларида кувгинда юришга мажбур булди, асирликнинг аламли ва ачинарли кунларини уз бошидан кечирди, узок вақтгача хокимларнинг хохиши ва талабига мажбурий буйсунган холда, уз тугилган ери ва оиласидан йирокда интизорликда яшади, лекин умрининг охиригача ватаннинг содик угли хамда ипгор фан, тараккиетнинг еркин тарафдори ва жарчиси булиб колди.

Беруний Хоразмнинг турли шаҳарларида ва айникса Урганчда урта аср фанининг турли соҳаларини, халк ижод этган маданиятни урганди,

грек хамда араб фалсафаси билан танишди, чет тилларини урганди. Бу даврда Хоразмнинг йирик савдо, сиесий ва маданий маркази булган Урганч узининг астраномия, киме, тарих, медидцина сохаларида ажойиб ютукларга эришган олимлари талантли шоир, наккош, мусикачилари билан машхур эди.

Берунийнинг даслабку илмий тадқиқот ишлари ва асарлари унинг Хоразм даврига оиддир.**Беруний**нинг илмий фаолияти ниҳоятда куб кирралидир.

Беруний уз замонасининг фанидаги ютукларини урганган холда, узидан аввал утган машхур олим математиканинг янги соҳаси ва география фанининг асосчиларидан Мухаммад Ибн Мусо ал Хоразмий хамда атокли астраном ал Фаргонийнинг анъаналарини давом эттириб, астраномия фанининг ривожланишига муҳим хисса қушди. У уз асарларида геоценрик система хақидаги умумий фаразларни айтган эди. Беруний асарларида табиатнинг эволюцион ривожланиши хақидаги фикрлар хам учрайди.

Берунийнинг география, гидрогиология ва минерологияга бағишланган китоблари урта аср фанининг ажойиб ютукларидан хисобланади. Халкларнинг қадимги маданияти тугрисида буюк олим томонидан яратилган тарихий рисолалар , филология соҳасида олиб борилган илмий текширишлар катта аҳамиятга эгадир ва хозиргача узининг илмий қимматини сақлаб келмоқда .

Беруний табиат ва жамиятнинг реал ходисаларини текширишга асоаланиб, уз тажрибалари, Хоразмнинг маданияти ва қадимги илмларининг ютукларига таяниб, урта аср билиминининг турли тармоқларини уз ичига олган 150 ортик асар езди.

Берунийнинг машхур китобларига “Утмиш авлодларининг едгорликлари “ , “Хиндистон”, ”Жавохирлар хақидаги рисола”, “Асраномия ва юлдузлар тугрисида “ ,”Махсус қонуни” қабиларни киритиш мумкин.

Беруний ибн Сино билан бир даврда яшади ва узининг оригинал илмий асарларини яратди. Айниқса унинг социол сиесий қарашлари эътиборга лойиқдир.

Беруний узининг бутун ижодий фаолияти давомида ижтимоий ҳаёт масалалари билан қизиқтики , “Хиндистон”, “Утмиш авлодларининг едгорлиги” асарида уз социологик қарашларини баён этди.

Беруний марказий Осиё ва Шарқ мутафаккирларини илгор социол-сиесий гоёларини ривожлантирди. Жумладан , узининг “Утмиш

авлодларининг едгорлиги” асарида инсоният ҳаётининг ҳақидагт масаласини илмий асосда ҳал этшга ҳаракат қилди. Ҷамият ва кишилар ҳаётида географик омилнинг аҳамияти , унинг ижтимоий ҳодосаларига таъсирини курсатди. Мукулмонлар ва Хиндларнинг урф-одатидан тафовутларнинг географик шароитлар билан изоҳлади , ҳатто тиллар уртасидаги тафовутларни ҳам географик омиллар билан боғлади .

У **Хоразм** цивилизациясининг ривожланишида Аму(**ОКС**) даренинг муҳим рол уйнаганлигини асослаш учун кублаб тарихий ва археологик маълумотлар туплади ва уларни илмий таҳлил қилди.

Таянч тушунчалар

Социал эҳтиёж. Социал география. Этник гуруҳлар. Тарақиёт йуналиши. Борликни урганиш.

Назорат учун саволлар:

1. Шарк дунёси ва Беруний.
2. Юнон фалсафаси ва Беруний социал фикрлари.
3. Инсон муаммоси.
4. Тарақиёт масаласи.
5. Берунийда борликни урганиш.
6. Географик омил.
7. Этник жараёнларни социал таҳлили.
8. Социал муносабат масаласи.
9. Ижтимоий ҳаёт муаммоси.
10. Мехнат муаммоси

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Тарихий - хотирасиз келажак йукдур” Т. 1998 й.
2. Ж.Холбеков “Шарк ва Ғарб мутафаккурлари” Т. 1995 й.
3. А.Фаробий “Фозил одамлар шаҳри” Т.1994 й.

13. Мавзу: Ал-Хоразмийда ижтимоий тафаккур масалалари.

Режа

1. Ал-Хоразмийни социал фикрлари.
2. Хоразмий карашларида жамият масаласи.

Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий машхур узбек олими ва доно мутаффакири булиб,асли Хива шаҳрида тугилган. Аллома Якин ва Урта Шаркда илк уйғониш даврининг илм-фан ва маданияти раванкига улкан хисса қўшган комусий олимлардан биридир. Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий 782 йили Хоразмда дунёга келди. Хоразмий илм-фан ва маданиятнинг қадимий бешикларидан ҳисобланган Хоразмда комусий олим сифатида шаклланди, вояга етди ва уз ижодини шу ерда бутун жаҳонга танитди .

Мусо ал-Хоразмий қўп қиррали илмий қизиқишлари математика, назарий ва амалий астраномия, география, геометрия, тарих ва бошқа қўплаб фанларга оиддир. Унинг номини тарихда қолдирган асарларидан бири - “Алжабр ва муқобала” яъни “Тенгламалар ва қаршилантериш”дир. Бу асар Гарб ва Шарк олимларига алгебра фани буйича дастурий амал булиб хизмат қилди, “Алгоритм” ва “алгебра” деган атамалар Хоразмий номи билан боғлиқдир. Хоразмий илмий билимларни ривожлантириш ва системалаштиришга алоҳида эътибор берган. Унинг фикрича, илмий билим ва татқиқотлар уз тарихига эга булиб, ворислик асосида ривожланиб боради. Хоразмий илм -фан қишиларига қатта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлди. Уларнинг вазифалари хилма-хил эканлигини қўрсатди.

Унинг фикрича, олимларнинг бир қисми фан сирларини кашф этади, эришган ютуқларини келгуси авлодларга меърос қилиб қолдиради. Олимларнинг иккинчи қисми эришилган илмий ютуқларни тушунтиради, изоҳлайди, шарҳлайди, уларни тулдиради ва кенг оммалаштиради. Нихоят, олимларнинг учинчи қисми утмишдаги олимлар йул қуйган хато ва камчиликларни аниқлаб, уларни тузатиб, шу асосда илмий ананаларни давом эттирадилар. Хоразмийнинг бундай қарашларида илмий билим босқичлари илмий фаолиятнинг қуп қиррали ва машаққатли характери гоёт тушинарли тарзда баён этилган. Хоразмий нафақат буюқ математика, астраномия, география ва тарих фанларининг асосчиси сифатида эъзозлайди. Аллома нафақат буюқ математик, табиатшунос аллома, балки машхур файласуф сифатида ҳам маълум ва машхурдир. Хоразмий махсус асар езган бўлмаса-да, лекин унинг математика, геометрия, астраномия, география, тарих ва мусика илмига оид барча китобларида илгари сурилган ва илмий исботланган фалсафий фикр ва мулоҳазалар, фалсафий гоёт, назария ва таълимотлар сон-саноксиздир. Эски нарса урнини янгиси, улаётган нарса урнини тугилаётган нарса эгаллаши, Хоразмий фалсафий таълимотида қайд этилишича, табиий қонуний жараён дир. Хоразмий дунёдаги ҳар бир нарса ва қодиса моҳиятида узаро бир-бирини тақазо этадиган, бир-бирисиз яшай олмайдиган икки қутб, икки қарама-қарши томон мавжуддир, тараккиёт улар уртасидаги диалектик, бирлик ва қураш орқали амалга ошади, деб қурсатади. У моддий дунёнинг абадийлигини, унинг ниҳоятда мураккаблиги, доимий равишда узғариб ва ривожланиб қоришни таъқитлайди. Инсон узининг тиришқоклиги, меҳнати ва амалий фаолияти, Оллоҳ ато этган ақл-идроқ, қобилият ва истеъдоди билан дунёни секин-ақта била қоради, бугун билмаган нарсани эртага муқаррар равишда бўлиб, узлаштириб олади, дейди Хоразмий. Айни пайтда у инсон билим субъекти табиат, қамият, умуман моддий олам эса унинг объекти деб билади. Хоразмий ҳиссий ва ақлий билимнинг узига ҳос ҳусусиятларининг моҳиятини, узаро алоқадорлигини алоҳида таъқидлайди. Унинг айтишича ақлий билим ҳиссий билимсиз вужудга қелмайди. Ҳиссий билим қорликнинг ташки томонлари ҳақида билим қериш манбаидир. Ақлий билим ёрдамида эса инсон нарса ва қодисаларнинг мураккаб ички тузилишини, моҳиятини, қонуниятини биқиб олади. Ақлий билим инсон биқиш ривожининг юқори босқичидир. Бунда биз Хоразмийнинг ақлий билим масалаларига алоҳида

эътибор берганлигини куриб турибмиз. Билимда инсон аклининг ва амалиётнинг ахамиятини курсатганлигини буюк ватандошимизнинг ажойиб хизматларидан хисобланади. Жамият тараккиётида илм-фан ва маданиятнинг, одоб-ахлоқнинг, ислом дини, шарият қонуниятларининг катта урин тутиши хақида аллома томонидан баён этилган фикрлар хозирги давр учун муҳим ахамият касб этади. Буюк ватандошимиз Мухаммад Мусо ал-Хоразмийнинг нодир асарлари, яратган таълимоти, ижтимоий-фалсафий қарашлари хозирги авлод учун битмас-туганмас хазина мустақиллигимиз учун хизмат қиладиган бебаҳо маънавий бойликдир. Мамлакатимиз халқлари 1983 йили ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигини тантанали равишда нишонладилар. Биз ёшлар утмишда ана шундай буюк даҳоларимиз, комусий олимларимиз утқанлигидан фахрланамиз. Қелгусида ана шундай алломаларимиз етишиб чиқишини истаб қоламиз. Уларни бой илмий меросини янада ривожлантириб, бойитиб боришга астойдил ҳаракат қиламиз. Уларни улмас меросини сақлаб қоламиз.

Ал-Хоразмий уз ижодий ишларида биринчи уринга халқ манфаатларини қуйди ва эътиборини унинг амалий ҳаётини ахамиятига қаратди. Алломанинг алгебра, арифметика, математика, геометрияга оид асарлари асрлар давомида тақсимлашда, васиятномалар тузишда, мол-мулкни узаро бўлиб олишда, суд ишларида, савдо-сотик муаммоларида, шунингдек, ерларни улчашда, каналларни казишда, бино қуришда катта хизмат қилди.

“Байт ул-Хикма” да шу нарсалар курсатиб утилган. Маърифатпарвар аббосийлар, айниқса, халифа Маъмун халифалиқнинг турли улқаларидаги истеъдодли олимларни Байт ал-Хикмага жалб этишга алоҳида эътибор берган.

Таянч тушунчалар

Алгоритм. Маъмун академияси. Турмиш тарзи. Фан йуналиши. Фан таснифи. Билиш тушунчалари.

Назорат учун саволлар:

1. Хоразмий-шахс сифатида.
2. Унинг социал қарашлари.
3. Хоразмий асрларида жамият масаласи.
4. Инсон омили.
5. Меҳнат Муаммоси.

6. Жамиятдаги социал муносабатнинг ёритилиши.
7. Турмиш тарз муаммоси.
8. Шахс ва жамият масалаларини узаро алоқадорлиги.
9. Фан ривож.
10. Жахон цивилизациясидаги ахамияти.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов “Тарихий - хотирасиз келажак йукдур” Т. 1998 й.
2. Ж.Холбеков “Шарк ва Ғарб мутафаккурлари” Т. 1995 й.
3. А.Фаробий “Фозил одамлар шахри” Т.1994 й.

14. Мавзу: Ахмад Яссавий ижтимоий қарашлари.

Режа.

1. Яссавий тариқатини шаклланишида социал омиллари.
2. Яссавийда - инсон масаласи.
3. Мутафаккир ижтимоий фикрларини жамият ижтимоий ҳаётидаги урни.

Урта Осиё илк уйғониш даврининг йирик намоёндоларидан бири, тасаввуф фалсафаси ва адабиётнинг таниқли ва машҳур вакили Ахмад Яссавий XI аср охирида озирги Туркистоннинг Сайрам қишлоғида туғилиб, 1166 йили вафот этган. У етти ешида отаси Шайх Иброҳимдан етим қолади Илк таҳсилни Яссавий машҳур турк машоихи Арслонбобдан олди. вафотидан кейинэса Бухорога бориб, машҳур мутасаввуф Юсуф Хамадоний қулида тасаввуф буйича илм олди.

Ахмад Яссавийнинг фалсафий -ахлоқий қарашлари унинг “Девони хикмат” асарида уз ифодасини топган бўлиб бу асар унга катта шухрат келтирди ; бутун шарқ мамлакатларида унинг номини азиз ва муқаррам этди. Мазкур асарнинг 20 аср бошларида Қозон ва Тошкентда қўп марта нашр этилганлиги ҳам улуг мутафаккур асарларининг халқимиз уртасида кенг оммалашганлигидан дололат беради.

Барча мутафаккирлар синғари Ахмад Яссавий ижоди ҳам муайян ижтимоий- тарихий муҳитда шаклланган, ушадавр хусусиятлари, муаммо ва зиддиятларини акс эттирган. Уфеодал истибдоди ҳукм сурган, меҳнатқаш халқ бошига чексиз машаққат ва мусибатлар егдирилган, бир

томонда бойликка, молу дунегга хирс куйиш авж олган, иккинчи томондан эса очлик, кашшоклик, шавкатсизлик кучайган огир ва мураккаб шароитда яшади ва ижод килди. Улуг мутафаккир замона нозикликларига бефарк карай олмади. Унинг шеърларида турк хукмдорлари булган корохонийлар билан корохитойлар уртасидаги конли урушларнинг дахшатли окибатлари уз аксини топди.

Ахмад Яссавий “Девони хикмат” асари туркий адабиетнинг ноеб едгорликларидан бири булиб, унинг ислом дини, калом фалсафи ва тасаввуф билангина эмас, балки уша даврнинг ижтимоий тартиб ва муаммолари билан таниш, оддий меҳнаткаш халк хаётидан яхши хабардор эканлигидан гувоҳлик беради.

Яссавий дуневий хтни тарк этишга эмас, балки инсоннинг маънавий камолоти йулида гов буладиган навсни тийишга, тарк этишга даъват килди. Бу жихатдан унинг кураш хақидаги фалсафий карашлари хам янгича мазмун касб этади. Инсон хаётдаги энг машаккатли кураш нафсни таслим этишга каратилган курашдир. Нафсга маглуу шох- кул, нафсни енгган гариб эса шохдир!

Суфийлар тасаввурича, борлик худди Оллохнинг куч-- кудрати ва хусну жамолини акс эттирувчи кузгудир. Бирок табиатни яратишдан кутилган максад ИНСОН дир. У--Оллохнинг севган бандаси. Оллох бутун борликни ана шу инсон учун яратди. Демак, инсон хам уз навбатида ана шу мухаббатга муносиб булиш керак, Оллохнинг ишки бамисоли шароб, унинг кадахи эса инсон калбидир. Шу кадахга ишк майи канча куп куйилса инсоннинг манавий баркамолликка булган интилиши хам шунчалик кучаяди.

Тасаввуф таълимотига кура, инсон Оллохга етишмок учун шарият, тарикат, маърифат ва хакикат боскичларидан утиши керак. Маърифат манзилида инсон Оллохнинг мохиятини тула англаб етади, илму ахлокда баркамолликка эришади, уз “мен” лигидан кечиб, Оллох билан уйгунлашади. Куришиб турибдики, инсон Оллох томонидан яратилган булса хам, уннинг Оллохдан фаркли томонлари мавжудир. Инсон уз-- узини енгиб, маърифат сари интилганисайин Хакка эриша олади. Шундан кейингина фонийлик машаккатли тугаб, хеч тугалланмайдиган бокий хаёт бошланади.

Яссавий хикматларида бу гоьлар кенг ва чукур ёритилади. Унда баркамол инсон шахсининг улугланиши яккол кузга ташланади. Ахмад

Яссавий талкинида фано такаббурликка каршихокисорлик фалсафаси сифатида намоён булди.Шунинг учун ҳам у такаббурликни коралади, уни адолат ва диенатнинг душмани, кулфат ва мусибатларнинг сабабчиси деб курсатади.

Яссавий подшо ва амалдорларни меҳр шавкатли ва одил булишга чакиради.Унинг фикрича, барча кишилар Оллох тонидан тенг яратилган, шунинг учун ҳам улар бир-бирларига меҳр мурувват курсатишлари илохий ишк йулида риёзат чексаларгина меърожга чиқишлари-Оллохнинг жамолига восил булишлари мумкин.

Донишманд фикрича, меҳр бир дарахт булса, саховат унинг мевасидир. Подшо ва амалдорларнинг жохиллиги ва адолатсизликлари окибатида ана шу дарахт завол топади:одамлар уртасидан меҳр окибат кутарилади, риёкорлик, каллоблик ва шафкатсизлик кучаяди.Ана шуларнинг барчаси Оллохнинг танимаслик, уни унитиш ва ишксизлик окибатидир.Зеро ишксиз эшшак , дардсиз кессак демакдир.

Яссавий фикрича, инсоний баркамолликка эришишда кишиларнинг рухан етук ва соғлом булиши катта ахамиятга эгадир.Кайси юртда маънавий кадриятлар поймол этилса, адолат устунлари бузилса, уша ерда нопок ва жохил кишилар юкори мартаба ва мавкега кутариладилар.Нодонлик-халк кулфати, ёвузлик акл-идрок котилидир. Молпараст, баднафслик, риёкорлик ана шуларнинг хаммаси нодонликнинг доимий йулдошдир.Шунинг учун ҳам улуг мутафаккир кишиларни нодонликдан юз угиришга чакирди.

Яссавий нодонликка карши донолик тушунчасини илгари сурди.Донилик унинг назарида идеал тушунча, шунинг учун унинг доно ва окил илм ахлига булган талаби ҳам юкоридир. У хушомадгуй ва лаганбардор олимни золим деб, хушомад оркали олимликка эришмокчи булган илм ахлини ихтиёрий равишда зулмкорлар сафига утувчилар, деб хисобланади. Олимларни хакикат йулида риёзиёт чекишга, илм йулида фидоийлик килишга даъват этди.Унинг фикрича, олимлик йули захмат чекиш, уз хузур халоватингдан кечишдир.

Яссавий фикрича, онг ва калбни маърифат нурлари билан ёритиш чинакам инсоний саодатдир, инсоннинг маънавий бойлиги хамма нарсадан азиз ва мукаддасдир. Шунинг учун ҳам уеру самодан, инсоннинг узидан мохият излади. Бойлик ва такаббурлик инсонни гумрохликка махкум

этибгина колмай уни уз кавму кариндоши ва элу юртидан хам бегоналаштиради.

Улуг мутафаккир камтарлик, олийхимматлик сингари инсоний фазилатларни улуглади, инсоннинг куч-кудратига астойдил ишонди ва уни шарафлади. Яссавий олам, она-Замин, элу юрт хакида ёзар экан, уларнинг хар бирида Ватанни курди, кишиларни хамиша Ватанга содик булишга чакирди.

Ахмад Яссавий учун саодат ва хакикат ашёвий нарсаларга эга булиш эмас. Булар хатто махсад хам эмас. Унингча хакикат юракда. Хакикат-Рух. Борлик, олам билан рухан уйгунликка кириши-олий саодат. Саодат - маърифат нурларидан онг ва дилни тиниклаштариш. Шоир уз мавжудлигини Рух ва рухий хаётдаги узгаришлар, тулганишлар, юксалишлар оркали идрок килмокни хохлайди. Уинсондаги ички бойликни мукаддас билган. Шунинг учун ташки бойликлар, гунох ва мутелик “нархини” оширувчи уларнинг хар кандай туридан ухазар килади.

Бундок каралганда, Мансур Халлож хам “Анал хак!” деганда худолик давосида булган. Бирок удунёдорлик хавосигамас, рухий камолотга ишонган. Ушоҳ Жамшидга ухшаб тожу тахт “гурури ва азим давлат такаббури димогига фосид хаёл солиб, оламни уз ибодатига амр килиб, уз сурати билан бутлар ясаб” сизгинмок учун шахру кентларга юборган жибр ва шухрат кулларидан булмаган. Бойлик, ракаббурлик одамни уз кавм ва элидан хам йироклаштиради. Хакка ёв-ёвуклашиш сафаридеги киши эса табиат, жонли мавжудот, хаттоки “курт ва кушлар”га хам якиндир.

Таянч тушунчалар

Тасаввуф. Яссавийя. Комиллик. Ботиний. “Девоний хикимат”.

Назорат учун саволлар:

1. Яссавия ва жамият
2. Инсон омили.
3. Исломнинг социал мохияти.
4. Яссавияда илм фан муаммоси.
5. Дин масаласи.
6. Жамиятнинг социал муносабати.
7. А. Яссавий социал карашлари.
8. Яссавия тарикатида меҳнат муаммоси.
9. Унинг асосий йуналишлари.
10. Узбекистонда Яссавия тарикатининг социал мохияти.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Тарихий - хотирасиз келажак йукдур” Т. 1998 й.
2. Ё.Тоиров “Фалсафа курсининг айрим масалалари” Ф. 1994 й.
3. Ж.Холбеков “Шарк ва Ғарб мутафаккирлари” Т. 1995 й.
4. А.Яссавий “Хикматлар девони” Т. 1998 й.

15. Мавзу: Б.Накшбандий ва Н.Кубро асарлари ва фикрларининг социал урни.

Режа.

1. Б.Накшбандийнинг социал карашлари.
2. Накшбандия тарикатида меҳнат масаласи.
3. Н.Кубронинг - ижтимоий фикрлари.
4. Кубровияда - жамият ва инсон.

Хожа Баховуддин Накшбанд! Бу муътабар ном асрлар оша мусулмон оламида инсонларга “ШайхБаховуддин”, “Хожаи Бузург “ , “Шох Накшбан “номлари билан машхур ва маълум булиб ,у зот асос солган суфийликнинг Накшбандия тарикати хануз куплаб мухлисларга, чирок екувчиларга эгадир .

Урта асрлардаги “Улуг бухорийлар “ орасида Бахоуддин Мухаммад Ибн Бурхониддин Мухаммад ал Бухорий (1318-1389й) алоҳида урин тутади .У Бухоро шаҳри яқинидаги Касри Хиндвон кишлоғида тукувчи -хунарманд оиласида дунегга келади. Онасининг исми Орифа булган . Бахоуддин тугигандан сунг, кишлок номи то хозиргача Касри Орифон номи билан машхур булиб келади.Уша даврдаги халк оммаси орасида этибор козонган Накшбандия хожагон тарикатини асосий йуналишини белгилаб

берган . Бахоуддин тарикати асосида тоат -ибодат ва меҳнат билан камол топиб, Оллох висолига етишиш, маънавий--ахлокий камолотга эришиш йуллари етади.

Накшбандия тарикати инсонларни ҳалол ва пок булишига, уз меҳнати билан кун кечиришга, мухтожларга хайр--эҳсон беришга, софдил ва камтар булишга чакиради. Унинг “ Дил ба еру даст ба кор” (Дил ер билан , кул эса ишда булсин) яъни Олохни узинга ер билу, аммо меҳнат килишни унутмагин деган хикмати накшбандия тарикатининг ҳаётий моҳиятини ифодалайди . У таркидунечиликни рад этиб, меҳнатсеварлик, одиллик ва билимдонликни тарғиб этади .

Бахоуддин шахсни, оилани ва жамиятни равнаки учун “кам хур, кам хоб ва кам гуфтор буд?”(“Кам егил ,кам ухла ва кам гапир”) деб тағидлаганлар. Давлат раҳбарларига эса, “Зоҳиран халк билан, ботинанхак билан!”(“Сиртдан халк билан, дилдан худо билан !”) деб насиҳат қилганлар .Ҳазрати соҳибқирон Амир Темурдек улуг зот ҳам Накишбанд тарикатига амал қилганлар. Темурнинг узи бу ҳақда шундай деганэди:”Пиру комил Шайх Бахоуддин Накишбандийнинг : ”Кам егил, кам ухла, кам гапир!” деган панд--насиҳатларига амал қилдим. Аркону давлатга барча мулозимларга ҳам айтар сузим шу булди. Хулоса қилиб шуни айтиб утмоқчиманки Накшбандия тарикати Мовороуннахр аҳолисининг маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғланган талимот булиб , урта асрнинг халқпарвар адиб ва машойихлари уни чуқур билишга ва у орқали оммага зие ва маърифат тарқатишга интиланлар. “Даст ба кору, дил ба ер” ақидаси бугун Юртбошимиз тақидлаганидек, “жамиятнинг маънавий ҳаёт билан диний муносабатларини уйғунлаштиришда дастуруламалқилиб” олинадиган хикматдир. Хожа Бахоуддин Накшбанднинг 675 йиллиги 1993 йили кенг нишонланган эди.

Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотининг кубровия йуналишига асос солган буюк мутафаккир алломадир. Унинг тулик исми Аҳмад ибн Умар Абул жаннобнажмиддин ал Хевакий ал Хоразмий булиб 1140 йил тугилган.

Нажмиддин Кубро талимоти ва у яратган кубровия тарикати бутун маъданий дунегга малум ва машхурдир .Ҳозирги кунларда ҳам мусулмон мамлакатларида кубровия таракқиетиға эътиқод қилаётган кишилар куп.Европа мамлакатларида ҳам бу таълимотни урганувчи, тарғиб қилувчи гуруҳлар ,илмий ташкилотлар мавжуд . Америкалик олим Крейя

Макрейнинг айтишича , хозирги кунда Эроннинг 100 дан ортик шаҳарларида кубровия тарикатининг бир тармоги неъматуллохия тарикатининг урганувчи хонакохлар АКШ, Англия, Франция, Олмония, Голландия , Австралия, Покистон , Фил суяги киргоги сингари мамлакатларда ҳам мавжуд.

Нажмиддин Кубронинг “Рисолат мин Муаллиф аш- Шайх-ул-милл ва аддинал-Кубро”, “шархи рисолат одоб аз-Зикр”, “Рисолат Шайх Нажмиддин” сингари кулезмаларихозирга кадар сакланиб келаетганини айтиб утмоқ керак .Кубровия тарикати кенг тарқалган мусулмон мамлакатларида қандай кулезмалар ва асарлар борлигигакида бизда тула малумот йук. Хозирги кунда кубровия тарикатига оид булган барча кулезмалар ва илмий адабиетларни тула тасаввур қилиш имконига эга эмасмиз. Нажмиддин Кубро бутун мусулмон оламида катта обрӯ ва эътиборга, хозир ҳам чуқур хурмат билан тилга олиниб келаетган йирик муласаффиф олим забардаст файласуф, мутафаккирдир.Унинг номига қушиб езиладиган “Нажмиддин”, “Кубро”сузлари асли олимнинг оламшумул катта эстеъдодиифодаси булиб ,унга бериган юксак илмий даражалардир. Нажмиддин Кубро ,Ахмад Яссавий,Бахоуддин Накшбанд тарикатлари, суфизмнинг ҳар қандай шакллари ургани имкониятларини бутунлай чеклабқуйилиши ҳам ана шу сиесатнинг оқибатидир.Нажмиддин Кубронинг билимлари иймон ва эътиқоди дастлаб Хоразмда шакллангани шубҳасиздир .Лекин у уз ватанида мавжуд булган билим ва эътиқодини манавий камолотнинг чуққиси деб билмади.Унинг илмий камолотга булган эҳтиежи уз ватанида мавжуд булган имкониятлардан юкори турар эди. У илм олишни давом эттириш максадида Эронга боради ва уша даврнинг йирикмутасаввир олимлари АбуМансур Хавда , Амор есир Исмоил Касрий каби етук кишилар қулида талим олади. Шайх Исмоил ҳам уз шогирди истедодини юкори бахолаб ,унга “Кубро”,яни “улуг” деган ном беради.

Таянч тушунчалар

Накшбандия. Кубровия. Имон ва этикод. Тарқи дунёчилик. Юрт масаласи.

Назорат учун саволлар:

1. Накшбандия ва жамият
2. Инсон омили.
3. Исломнинг социал моҳияти.

4. Накшбандияда илм фан муаммоси.
5. Дин масаласи.
6. Жамиятнинг социал муносабати.
7. Кубро социал карашлари.
8. Накшбандия тарикатида меҳнат муаммоси.
9. Унинг асосий йуналишлари.
- 10.Узбекистонда Накшбандиява Кубровия тарикатининг социал моҳияти.
- 11.Кубровия ва жамият.
- 12.Социал зиддият.
- 13.Социал табакаланиш.
- 14.Илм-фан масаласи.
- 15.Сиёсий ҳаёт.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Тарихий - хотирасиз келажак йукдур” Т. 1998 й.
2. Ё.Тоиров “Фалсафа курсининг айрим масалалари” Ф. 1994 й.
3. Ж.Холбеков “Шарк ва Ғарб мутафаккирлари” Т. 1995 й.

16. Мавзу: Марказий Осиёнинг ижтимоий сиёсий ҳаётида Амир Темури.

Режа.

1. Амир Темури - шахсига қисқача социал таъриф.
2. Темури қарашларида давлат бошқариш масалалари.
3. "Темури тузуклари" асарининг социал моҳияти.
4. Миллий истиқлол гоҳида Темурининг бунёдкор гоҳларини социал аҳамияти.

Амир Темури -1336 9 апрелда Қеш (Шахрисабз) шаҳри яқинида жойлашган Хужаилгор қишлоғида дунёга келган. Унинг тулик исми Амир Темури Қурагоний ибн Амир Тарагай ибн Амир Буруқулдир. Езма манбаларда у Темуриланг, Европа адабиетида Тамерлан номлари билан таърифланади.

Темури даврида давлатнинг марказий маъмурияти бошида девонбеги арқбеги (маросимларни бошқарувчи) ҳамда 4 вазир турарди. Биринчи вазир-ер солиқлари, чегара боғини ундириш, ҳамда миршаблик ишларини бажарарди.

Иккинчи вазир- аскарлар маоши ва озик- овкат таъминотлари билан шугулланган.

Учинчи вазир - харбийлар, уларнинг лавозиму мансабларига тайинланиш ва меърос ишларига караган .

Туртинчи вазир-сарой хужжатларини бажарган.

Темур давлати тузилиши соҳасида катта узгаришларни амалга оширмаган булса-да, хар холда XIY асрнинг биринчи ярмида мугул хони Кебек хукмронлик килган даврда жорий этилган мамлакатни харбий - маъмурий булинишини саклаб колди ва уни ривожлантирди. Аммо давлатнинг маъмурий идора этиш таркибини такомилга суюрголнинг кенг таркалиши тускинлик килди. А.Темур давлатни бошкаришда куп нарсаларга эътибор бериб, уларни бажаришга харакат килди.

Биринчи - унинг давлати ва салтанатига боғланган биринчи тузигини у тангри таолонинг дини Мухаммад мустафонинг шариатиги дунеда ривож берган . Хар ерда ва харвакт ислом дини кувватлаганлигидир.

Иккинчи - 12 табака ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этган, уларни идора килган. Давлат, салтанат устунларини ушалар билан утказган.

Учинчи- маслахат кенгашу тадбиркорлик фаоллик ва хушерлик билан ганимни узига буй сундирган.Салтанатини ишларини мурват ва сабр-токат билан юргизган.

Туртинчи - давлат ишларини салтанат конун-коидаларига асосланган холда бошкарган. Амирлар , вазирлар, иноклар, хар дири уз лавозимида мамнун холда хизмат курсатишган.

Бешинчи- амирлар ва сипохийларни мартаба ва унвонлар билан тақдирлаган.

Олтинчи- адолат ва инсоф билан гунохкорларга хам, бегунохлар хам рахм килиб, тангрининг яратган бандаларини узидан рози килади.

Еттинчи- сайидлар, окилу-донолар, олимлар, тарихчиларни иззат хурматини жойига куйган.

Саккизинчи- озми жазм биланиш тутган.

Туккизинчи райят ахволидан огох булган, улугни - улуг, кчикни - кчик урнида курган.

Унинчи- турку-тожик , арабу ахлининг турли тоифа ва кабилалардан булган кишиларнинг улугларига хурмат билан караган.

Ун биринчи- фарзандлар, кариндошлар, кушнилар ва улар билан

бир вақтда дустлик килагн барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганида унутмай уларнинг ҳақларини адо этган.

Ун иккинчи - дусту - душманлигига карамай ҳар жойда сипохийларни хурмат қилган.

Амир Темур уз вазифаларини 4- тоифага булган .

Биринчи- асиллик, тоза насиллик ;

Иккинчи- ақл- фаросатлик;

Учинчи- сипоҳу райят ахволидан хабардорлик , уларга нисбатан хушмуомилада булишлилик.

Туртинчи- сабр- чидамлик , ва тинчлик , кабиларга эга булиши керак.

Кимки шу турт фазилатга эга булса , ундай одамни вазирлик мартабасига лойиккиши деб билган. Уни вазир еки маслаҳатчи этиб тайинлаган.Бундай вазирга турт имтиез; Ишонч, эътибор, ихтиер ва иқтидор беришгагн.

Темур узининг марказлашган давлат ва ҳуқуқни барпо этишда муслмон дунесида шаклланган сиесий ва ҳуқуқий таълимотига асосланади .У шаҳар ва кишлокларда тартиб ва қонунчилиқни урнатди. Унинг мафқураси ислом бупган булса, Шарият қонунлар тизими эди.

Амир Темур исломнинг давлат мафқураси даражасида, шариатни эса ҳуқуқий тизим сифатида қабул қилиш билан чекланмасдан , у узининг тамоиллари , қоидалари ; “Тузуқларини” ҳам ишлаб чиқади.

Фуқаролик жамиятини турли тоифаларига булиб, уларнинг вақиллари билан бамаслаҳат бошқариш, қонунчилик ва давлат ҳоқимиятини мустаҳкамлади. Ҳар бир табақа ва тоифаларнинг моддий, маънавий, эҳтиётларини ҳисобга олиш узга мамлақатлар халқлар орасида ҳам Темурнинг обрусини юксалишга олиб келган.

У қонунларга риоя қилишни шу қадар жиддий қуйган эдики, қонунни бузганлиги учун энг юқори лавозимдаги мансабдорлар ҳатто узининг энг яқин қариндошлар ва фарзандларини ҳам жазолашга буюрган. Қонунчилиқни ана шу даражада урнатилиши мамлақатда тинчлик осойишталик урнатишиги олиб келган эди.

Амир Темурнинг яна бир муҳим қоидаларидан бири пайгамбар авлодларига хурмат билан қариши, узининг пирлари, олимлар, билан суҳбатлашиш ҳамда уларнинг маслаҳатларига қура давлатни бошқариш эди.

Амир Темурнинг узокни кура билишни тасдикловчи яна бир мисол: у узининг жуда катта худудда жойлашган давлатини бошқаришда барча давлат, халкларинг хаётига тегишли маъумотни туплашга жиддий эътибор берган. Ана шу тупланган маъумотларга асосан у давлатни бошқаришда қарор ва фармоишлар берган.

Биз узбекларни улуг бунедкор халқ деб дунегга тараннум эътиборимиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг туйларини утқизишдан мақсад қилган бу инсоннинг энг аввало буюк давлат асосчиси, буюк бунедкор ижодкор шахс бўлганини, жаҳон цивилизацияси таракқиётига бекиес хисса қўшганини дунё ахлига билдириш эди.

Парижда ва умуман Европада ҳам Темур бобомизнинг обрусини туқишга урунишлар бўлган. Бунга ҳеч қандай мантикий асос йўқлигини исботлаб бериш қийин эмас. Инсон бир пайтнинг узида бунедкор, евуз бўлиши мумкин эмас. Мадрасаларни қўрган, фуқароларни бошини силаган, Қуръонни ед билган шахс евузлик қилармиди?

Узбек том маънода бунедкордир. Унга биронинг ери қерак эмас. Бизнинг халқимиз тинчлик парвардир.

Таянч тушунчалар

Давлат бошқариш. Давлат мансаблари. Социал ҳаёт. Ҳуқуқий тамоиллар. “Темур тузиклари”.

Назорат учун саволлар:

1. Темур социал шахс.
2. Темур давридаги ижтимоий сиёсий ҳаёт.
3. Социал муносабат.
4. Инсон омили.
5. Жамиятнинг социал тузулиши.
6. Давлатнинг социал роли.
7. Шарқ ва Урта Осиёда социал алоқалар.
8. Социал адолат масаласи.
9. Ижтимоий ҳаёт.
10. Ибн Арабшоҳ социал қараши.

Адабиётлар:

1. И.А.Қаримов “Тарихий - хотирасиз келажак йўқдур” Т. 1998 й.
2. Ж.Холбеков “Шарқ ва Ғарб мутафаккурлари” Т. 1995 й.
3. “Темур тузиклари” Т. 1991 й.

17. Мавзу: Юсуф Хос Хожиб ва Махмуд Кашгарий асарларида социал масалалар.

Режа.

1. Юсуф Хос Хожиб "Девони луготин турк" асари социал мохияти.
2. "Кутадгу билиг" асарида социал ҳаёт масалалари.

Махмуд Кошкарӣ -Туркий халқларнинг комусий олими .Унинг ҳаёти ва ижод фаолияти тугрисида етарли маълумотлар бизгача етиб келмаган. Шубоис олимнинг тугилган йили ва вафоти санаси ҳам маълум эмас. Бобоси Муҳаммад ва отаси Хусайн Кошгардаги Берёгон шаҳридан булган. Кошгарийлар оиласи Боласогунгакучиб келишганда Махмуд хали еш эди. Булажак олим уз даврининг маданий -илмий марказларидан булган бу шаҳарда кунт билан укиди ,араб,форс тилларини урганди. У ешлик чогида халқ жонли тилидаги суз ва ибораларни, хикматли суз ва мақолларни астойдил урганди,уларни кунт билан езиб борди, хар бир суз

,иборани шархлаш ва маносини аниқлашга интилади. У халқни халқ оғзаки ижоди, тили, адабиетини келиб чиқишини чуқур тадқиқот қилди. Махмуд Кошқарий узи туплаган бой далиллар асосида халқимизнинг буюк олими “Жавохир-уннахв фи лугатит-турк яни “Туркий тилларнинг синтаксиси дурдоналари” ва “Девону лугатит турк” асарини езган. М.Кошқарийнинг биринчи езган асари бизгача етиб келмаган еки хали топилаганича йук. “Девону лугатит- турк” асарини 1074-1075 йилларда езган. Унда олим дунеси харитасини ҳам илова қилади ва Кичик Осиёдан то Хитой худудларигача чузилиб кетган ерларда яшовчи туркий халқлар тарихи, географияси, этнонегизи, урф-одатлари, турмуш-тарзи, маданияти тугрисида гоётда қимматли малумотларни беради. Асарда туркий қавм уруглар, кипугуз, ямак, бошқирт, басмил, қай, ябоқу, татар, қирғиз, қиғил, яғмо, тухси, игрок, жару, жамил, уйгур, тангут, табғочлардан ташқари яна форс, араб, хитой, русхалқлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.Махмуд Кошқарий асарини езиш учун Фарғона, Хоразм, Моворауннахр, Бухорога қадар булган улқаларни кезиб қикқан. Уердаги халқларни халқ оғзаки ижоди, тили, маданияти, урф-одатлари билан танишган ва шу ерларда истикомат қилувчи аҳолидан турли бадий парчаларни езиб олган. Бу парчалар XI асрда езиб олинган булсада, уз мазмунига қура анча қадимий даврлар билан ҳам боғланиб кетади. Олилар бу парчаларнинг айримларини V-VII асрларга ҳам алоқадорлигини тақидлайди. “Девони лугатит-турк” датуркий халқлар оғзаки ижоди ва езма адабиетига доир 300 дан ортик шеърий парчалар, мақоллар, ҳикматли сузлар ва лавҳалар берилган. Олим уз асарида туркий тилларга оид жуда қуплаб суз бриқмалари, иборалар, талаффуз қоидаларини асослаб беради. Булардан ташқари Туркистондаги бази шаҳарларнинг номлари, шарх изоҳлар ҳам бериб утилган. Жумладан, унда Тошқент “Тарқент” тарзида қурсатилади ва Тош шаҳри демақдир деб изоҳланади. Самарқанднинг асил номи “Самизқанд” -Қатта шаҳар деб тарифланган. Хуллас, шеърий усулда қаламга олиган буюк мутафакқир М.Кошқарийнинг асарида юқсак эзғулиғ гоёлари, меҳнатсеварлик, шахсий қахрамонлик, ганимларга нафрат қаби қарашлар уз ифодасини топган. “Девони лугатит турк” жаҳондаги жуда қуплаб халқларнинг тилларига, шу жумладан, немис, турк ва озарбайжон тилига таржима қилинган. Асарни аҳамиятига баҳо бериб В.В.Бартольд қуйдагиларни езади:

- “Махмуд хает вокеаларини факт ва далилларни уз кузи билан кургани , билиб езгани учун бу асар хамон узининг илмий , маърифий , тарихий кимматини саклаб келмокда” .

Туркий тилда биринчи йирик хажмли адабий -марифий асар езган адиб Юсуф Хос Хожибдир. У узининг бизга маълум булган ягона дидактик бадий -фалсафий “Кутадгу билиг” яъни, “Саодатга бошловчи билим” номли асари билан жахонга машхур маълум булган.

Адабиетшунос олим Каюмжон Каримов Юсуф Хос Хожибнинг дунега келиши ва улуг бир сиймо сифатида танилиши абектив хаеий ва конуний зарурат булганлигини куйдагича ифода этади: — “Уша вактида ягона кул остида бирлашган улкан давлатни бошқариш хаetni тугриизга солиш йул - йурикларни курсалиб берувчи донишманд керак эди. Шундай киши топилди. Бу Юсуф эди. У уз даври уртага ташлаган долзарб масалаларга зийрак куз билан каради. Шу боис унинг 13500 мисрадан иборат кенг хажмли “Кутадгу билиг” номли чукур гоъвий -фалсафий дитагтик асари майдонга келди. Улуг олим ута зийраклик ва донишмантлик билан зиелитар, дехконлар, чорвадорлар, косиб-хунармандлар, савдогарлар, камбагал - кашшоклар ва бошка барча иштимой гурух, тоифа ва табакаларнинг хаet тарзлари, дунекарашлари, одатлари, ахлоклари хакида фалсафий мулохазалар системасини яратди. Фалакиет география, тарих, тиббиет, риезиет, ижтимоиет каби фанлардан малумотли булишни таргиб-ташвик этган.

Ю.Х.Хожибнинг “Кутадгу билиг” асари 4 таянч унсур асосига курилган :
Бири тугриликка таянч Адолат,

Бири Давлат эрур укутли гоът ,

Учинчи улуглик Акл ва Зако,

Туртинчи Каноат эрур бэбахо.

Буларнинг хар бири алохида номга эга .

Адолат-Кунтугди. Давлат- Ойтулди . Акл-Угдулмиш .

Каноат-Узгурмиш.

Асарда кутарилган барча муаммо ва масалалар ечими ана шулар орасида булиб утадиган бахс-мунозара, савол-жавоб асосида берилади.

Таянч тушунчалар
“Девоний лугатит турк”. Социал табака. Социал турмиш тарзи. “Кутадгу билиг”. Мехнат масаласи.

Назорат учун саволлар:

1. Урта Осиё тараккиётида алломаларнинг урни.
2. Улар социал карашларидаги умумийлик.
3. М.Кошгарий асарларида...
4. Инсон муаммоси.
5. Мехнат масаласининг ёритилиши.
6. Жамиятни урганиш.
7. Жамият ва инсон муносабати.
8. Ю.Х.Хожиб ва жамият.
9. Жамият ва инсон муаммоси.
10. Мехнат масаласи.

Адабиётлар:

1. Ж.Холбеков “Шарк ва Фарб мутафаккирлари” Т. 1994 й.
2. И.Муминов “Урта Осиёда ижтимоий прогрессив фикрлар тарихидан” Т. 1974 й.

18. Мавзу: Шарк мутафаккирлари социал карашларининг Ўзбекистон ижтимоий иктисодий тараккиётидаги урни.

Режа.

1. Ўзбекистон социал ҳаётида шарк мутафаккирлари социал фикрлари.
2. Жамиятимиз социал турмуш тарзининг ижтимоий тарихий илдизлари.
3. Республика фан ва маданият тараккиётида мутафаккирлар асарларининг ижтимоий ахамияти.

Бирон бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлокий кадрриятларни ривожлантирмай ҳамда мустахкамламай туриб уз истикболини тасаввур эта олмайди.

Халкнинг маданий кадриятлари маънавий мероси минг мобайнида Шарк халклари учун кудратли маънавият манбаи булиб хизмат килган. Узок вақт давом этган каттик мафкуравий тазйикка карамай Узбекистон халки авлоддан авлодга утиб келган уз тарихий ва маданий кадриятларини хамда узига хос анъаналарни саклаб қолишга муваффақ булди.

Мустакилликимизнинг дастлабки йилларидаёқ аждодларимиз томонидан куп асрлар мобайнида яратиб келинган гоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кутарилган ниҳоятда муҳим вазифа булиб колди.

Бир асрдан зиёд давом этган тоталитар тузумдан кейин бу жараён даслабки пайтларда мутлако табиий равишда узига хос инкорни инкор сифатида кечди. Тарих хотираси халкнинг, жонажон улканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳаққоний тиклаш, миллий узликни англашни, таъбир жоиз булса, миллий ифтихорни тиклаш ва устириш жараёнида гоят муҳим урин тутди.

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёкараш билан комусий билимдонликни узиди мужассам этган буюк арбоблар куп утган. Имом Бухорий, Термизий, Хожа Баховуддин Накшбандий, Ахмад Яссавий, ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа куплаб буюк аждодларимиз миллий кадриятимизни ривожлантиришга улкан ҳайса кушдилар, Халкимизнинг миллий ифтихори булиб колдилар. Уларнинг номлари жаҳон Цивилизацияси тараккиётига кушган буюк хиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Айни шу замонда куп асрлар мобайнида жаҳон маданиятларига дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кучманчи халқлар утрок халқлар билан, Эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар, насронийлар ва яҳудийлар билан куп асрлар бирга яшаб келганлар. Сунгги аср давомида узларини маданиятли ва маърифатли ҳисоблаб келган давлатлар оммавий қиргинлар ва диний таълимлар узларига доғ туширган бир пайтда узбек замини халқлари ва маданиятлари тинч бирлашган жой булиб колмай балки, қувгин қилинган халқларга бошпана берган.

Маворауннахрнинг аштархонийлар давридаги маданиятида шундай олдинги аср маданиятига нисбатан чуқур инкироз юз берганлиги кузга ташланади. Урта Осиё илгор галлаларни ажратиб ваа демократик прорессив маданий тенденциялар соҳибларини суриб чиқариб, узининг

кадимий ҳамда иктисодий алокаларидан махрум булди. Халкнинг маънавий турмушини мусулмон рухонийларининг доимий назорати остида булди, улар диний акидаларга сузсиз амал қилишни турли хил урф-одатларни адо қилишни талаб қилдилар.

Аниқ ва табиий фанлар бутунлай сиқиб чиқарилди. Ажойиб фалаккиётчилар мактаби урнини хонлар учун қулай юлдузлар жадвали тузиб берувчи мунажжимлар эгаллади. Илохиятчилар маворауннахр илмий ҳаётида марказий сиймолар бўлиб қолди.

Кейинроқ қуламда булсада Урта Осиёда ҳам демократик йуналишдаги уз матафаккирлари ва шоирлари бор эдики, улар бу бепоён улқа учун чиндан ҳам тарихий аҳамият қасб этарди. Европадаги демократик маърифатчилик ҳаракати барча диний ҳурофатларга бардош берган қудратли тулкин булса, Урта Осиёдаги демократик фикр вакиллари афсуски, мусулмон жаҳолатпарастлари улқан океандаги оролчаларга ухшарди. Лекин уларнинг чексиз жасорати ҳам шундай эди.

Маълумки XIII аср бошларида Бухорода поэтик истеъдоди билангина эмас, балки юксак ахлоқий ва инсоний фазилатлари учун ҳам танилган қупгина ажойиб шоирлар яшаган. Уткир зехли ва сузамоллиги, кенг билими ҳамда нозик диди туфайли "тугма Афлотун" деб ном чиқарган Самарқандлик мулло Фитрат шеърлари бебаҳо инжуга нисбат берилган, узи хонлар илтифотини изламаган мулло Мулхон ҳам шундай булганлар.

Ажойиб узбек халқ шоири Турди XII асрнинг биринчи ярмида яшаб, тахминан 1101 йилда вафот этган. Ижтимоий адолат учун уз халқини аёвсиз талаган феодалларга қарши аниқ ифодаланган қураш мавзуси Турди шеърлятида асосий уринни эгаллайди. У беклар ва амирларнинг очқузлигини қуеп сонли хон амалдорлари сотқинлигини қазаб билан қоралайди, уларни виждонсизликда хоинликда муғомбирлик ва тиланчилик, оддий халқнинг оёқ ости этилишда айблайди.

Урта Осиё ижтимоий-сиёсий фикрининг ривожини тарихий ёзувларда ҳам қузга ташланади. Уларни илмий деб атаб булмаса-да, XII аср биринчи ярмида ёзилган "Тарихи Муқимнон" тарихий тазқираси ҳамда 1800 йилда ёзиб тугатилган "Убайдуллонома" даги бой амалий материал Мавороуннахрда Убайдуллоҳон подшолик қилган даврда сиёсий воқеалари тугрисида тушунча беради.

Бухоронинг таникли ва жамоат сиёсий арбоби Амин ал-Бухорий томонидан ёзилган “Убайдуллонома” шу холдаги бошка тазкиралардан воқеаларининг куни камраб олиши ва улар мохиятига чуқур кириб боришга интилиши, материалларнинг ёркин баён килиш билан ажралиб туради.

Бу даврда Маданиятда умумий инкироз юз берганлигига карамай жаҳон саноати хазинасига кирган бир канча меъморчилик дурдоналари яратилди. Самарканднинг Регистон майдонидаги Шердор мадрасаси, Тиллакори макбарасига киради. Бухорода Имомкулихоннинг нуфузли амалдори Нодир девонбек масжиди ховуз ва мадрасадан иборат ажойиб меъморчилик ансамбили барпо килди .

Даврлар утиши билан ер юзидаги элатлар ,мамлакатларда куз куриб кулок эшитмаган узгаришлар юз бериш ,буюк мамлакатлар таназзулга юз тутиши .хонликлар емирилиши ва ҳеч қутилмаган минтакада кучли давлатлар қад рослаши мумкин экан. Дунё тарихини урганган киши бундай воқеаларни қуплаб қузатган, ҳар бир тарихчи бундай воқеаларга камида унлаб мисоллар айтиш мумкин. Узокқабориб юрмайлик сохибқирон Амир Темур даврида ягона Туркистон,Мавороуннаҳр булган юртимиздаги бугунги узгаришлар хақида бир уйлаб қурайлик.

Бизнинг азалий юртимиз буюк Турон худудларида ҳозир жаҳондаги чинакам давлат мақомларига мос келади .Бу минтака кечагина тарихдан номи уча бошлагн шурулар даврида Урта Осиё ва Козогистон дейилар эди.Уша вақтда СССР Козогистоннинг географик жихатига ҳам зуравонлик килиб уни атайлаб Урта Осиё Республикалари қаторига қушмас, уни Россиянинг бир қисми деб ҳисоблар эди.Аслида эса бубешала Республика халқларни давлати, диний,миллий,маданий қадриятлари умумий эди. Маданий таракқиёти жихатидан Марказий Осиё минтақаси халқлари араб халқларидан бирмунча юқори булган. Бу ердаги қуплаб халқлақ утрок холда яшаганлар: уларнинг турмуш шароитлари, хужалиқ юритиш усуллари, ердан фойдаланиш маданияти, хунармндчиликнинг равнақи арабистон ярим оролида истикомат қиладиган халқларниқидан бирмунча мураккаб ва муқаммалроқ булган. Аммо мазкур минтақадош тарқок холда яшаётган, ёвга қарши қурашиш бошланганда уюшишга ёки музоқаралар олиб бориш билан узларининг химоя қилишга нунок уруг-аймоқлар ислом байроги остида беришган араблардан енгилди. Узбекистон

узунинг таракиётида жaxon тарихида ана шундай бунёткор ва фаровон хаётга интилиш билан ислохатларни амалга оширади.

Таянч тушунчалар

“Узбек модели”. Мафкуралар. Гоялар. Демократик жамият. Фукаролик жамият.

Назорат учун саволлар:

1. Узбекистон тарихининг буюклиги.
2. Жамиятда илм-фан масаласи.
3. Ислохатларни инсонпарварлиги.
4. Инсон омили.
5. Жамиятдаги социал муносабат.
6. Давлатни социал роли.
7. Социал адолат масаласи.
8. Демократик гоялар ва фукаролик жамияти.
9. Сиёсий хаёт.
10. Дин масаласи.

Адабиётлар.

1. Узбекистон Республика Конституцияси. Т. 1998 й.
2. “Миллий истиклол гояси, тушунча ва асосий тамойиллар” Т. 2000 й.
3. Ё.Тоиров, А.Легай “Социалгия асослари” Ф.1998 й.